Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Қишлоқ ҳақиқати

1990 йил 15 апрель
ЯКШАНБА
№ 87 (4.881).

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади ◆ Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади ◆ Баҳоси 3 тийин

Хўжалик раҳбари минбари

ҒАНИМАТ КУНЛАР

Ўлкамизга баҳор сепини ёйди. Қуёш тупроқни қиздира бошлаши биланоқ деҳқон тинчи бузилди. Экиш-тикиш тараддуди қизғин тус олди. Шу кунларда совхозимиз деҳқонларининг бутун диққат-эътибори чигит қадаш мавсумини тез ва соз якунлашга қаратилган.

Хўжаликнинг Калинин номли бўлимига тажрибали пахтакор Аҳмадали Ҳакимов етакчилик қилади. Деҳқонлар 346 гектар ернинг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил кўтариш йўлида меҳнат қилишаётир. Бўлимда 4 та пахтачилик бригадаси мавжуд. Уларнинг ҳар бирида чигит экиш жадал олиб борилмоқда.

Раҳматулло Мадраҳимов бошлиқ бригада аъзолари мусобақада пешқадам. Улар 79 гектар ернинг ҳар гектаридан 35 центнер ҳосил кўтаришни мақсад қилиб қўйганлар. Техника жиловкори Насриддин Назаров, сеялкачи Абдураҳмон Ҳакимов елкама-елка туриб, кунига 6—7 гектар майдонга барака уруғи қадашаётирлар.

Хўжаликнинг «Ленинград» бўлими деҳқонлари бу йил жами 436 гектар майдонга барака уруғи қадашмоқчи. Қўшмоқбой Қодиров етакчилик қилаётган бу коллективда 4 та бригада мавжуд. Бригадалар ўртасида чигитни тез ва сифатли экиб олиш, тўла гектарлар ҳосил қилиш йўлидаги беллашув кун сайин авж олаяпти.

Шунингдек, «Партия XIX съезди» бўлимининг Тўхташали Бектошев, Қодиржон Мамажонов, «Иттифоқ» бўлимидаги Аҳмаджон Умаров, Қамбарали Отабоев бошлиқ бригадаларда ҳам чигит экиш суръати баланд. Бригадалар экишни 6—8 иш кунида тугаллашмоқчи.

Хўжалигимиз меҳнаткашлари бу йил 2 минг 540 гектар ерга чигит экиб, ҳар гектар ердан 29,5 центнердан, давлатга жами 7 минг 340 тонна дурдона етказиб беришга аҳд қилишган. Бу йил экин майдонларининг асосий қисмини звеноларга тақсимлаб бердик: 226 та звенода 1449 гектар, 154 оилавий пудратчилар тасарруфида 1081 гектар ер бор, 2 минг 180 гектар майдонга «Тошкент-6», 350 гектарга эса «Андижон-13» навли чигит экамиз. 180 тонна уруғлик чигит ҳозирлаган эдик. Ҳар бир гектар ҳисобига 70 килограммдан уруғлик чигит сарфлаяпмиз.

Шу кунларда далаларимизда 35 та сеялка барака уруғи қадаш билан банд. Бундан ташқари 24 та чизель, 17 комплект борона, 24 та мола юксак унум билан ишлатилаяпти. Ҳар куни 280—300 гектар ерга сифатли қилиб чигит қадашга эришаяпмиз. 5 кишидан иборат сифат комиссияси тузилган. Унга хўжалик халқ назорати группаси раиси Ғанижон Парпиев бошчилик қилаяпти. Улар чигит қадаладиган ерларни ҳамда экиш тугалланган майдонларни назорат қилиб боришмоқда.

Совхоз маъмурияти, партия, касаба союз ташкилотлари томонидан ерни экишга тайёрлаш, экишни хўжаликда биринчи бўлиб тугаллаган ҳамда тўлиқ гектарлар ҳосил қилишга эришган механизатор, сеялкачиларни рағбатлантириш учун пул ва қимматбаҳо совғалар ташкил этилган.

Бу йил 280 гектар ерга беда экдик, 20 гектар майдонда боғ барпо этдик. Қисқа давр ичида 150 гектарга дон учун, 177 гектар майдонга кўк масса учун маккажўхори экишни тугалладик. Тўхташали Бектошев, Норматжон Мелибоев, Раҳматилло Мадраҳимов, Ўринхўжа Султонов каби илғор бригадаларимиз макажўхори экишни биринчи бўлиб якунлашди.

Жорий йилда 20 гектарга сабзавот, 43 гектарга полиз маҳсулотлари, 2 гектарга ерёнғоқ қададик. 307 гектар майдондаги бошоқли дон экинларини агротехника қоидалари асосида парвариш қилаяпмиз. Далада ишлаётганларга ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатиш ҳаракатидамиз. 34 та дала шийпони безатилган. Улар телевизор, радио, холодильник ва бошқа зарур жиҳозлар билан таъминланган. 25 та болалар боғчасининг 3 таси мавсумий. Уларни зарур жиҳозлар, ўз вақтида озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш совхоз касаба уюшмасининг эътиборида.

Уй-жой қуриш учун ер ажратишга эътибор бераяпмиз. Бу йил томорқа беришни сўраб совхоз дирекциясига 3 минг тадан ортиқ ариза тушган. Тузилган комиссия аъзолари ҳар бир аризачининг уйига бориб, шароити билан яқиндан танишди. 2 минг 90 кишига ер ажратиб беришга қарор қилдик. 300 гектар майдон уй-жой қуриш учун ажратилди. Бу ишларни амалга оширишда ер тузувчи бош инженер Абдуллажон Комиловнинг ҳиссаси катта.

Томорқа олганларга қурилиш материаллари етказиб бериш ҳам эътиборимизда. Қурилиш материаллари қишлоқ Советлари орқали тақсимланаяпти. Бундан ташқари бизда эшик ва ром ишлаб чиқарадиган «Бинокор» кооперативи бор. Йилига 3 миллион дона пишиқ ғишт тайёрлаш қувватига эга бўлган янги завод ишга туширилиш арафасида.

Бу йил биз давлатга 332 тонна дон, 120 тонна сабзавот, 280 тонна полиз маҳсулотлари, 170 тонна хўл мева, 113 тонна узум, 6 тонна ерёнғоқ, 1741 тонна сут, 181 тонна гўшт, 277 минг дона тухум, 3,1 тонна жун, 125 тонна пилла сотишга азму қарор қилганмиз. Айни кунларда бутун диққат-эътиборимиз кўзланган марраларни забт этиш учун самарали меҳнат қилишга, ишни оқилона ташкил этишга қаратилган.

А. АҲМАДАЛИЕВ,
Ўзбекистон районидаги «Қўқон» совхозининг директори.

Айни кунларда Хонқа районидаги «Победа» колхози далаларида 100 дан зиёд экиш агрегати юқори унум билан ишлатилаётир. Мавсумни намунали ўтказиш мақсадида тузилган штаб томонидан зиммасидаги юмушни сифатли ва тез адо этган илғор механизатор, сеялкачиларни моддий ва маънавий рағбатлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда Шунингдек, хўжаликнинг ҳар бир бригадасида техника жиловкорлари унумли меҳнат қилишлари учун барча шарт-шароит яратилган.

СУРАТЛАРДА: 1. Колхоз раҳбаниесининг раиси, область Совети депутати Ботир Исмоилов механизаторлар билан суҳбатлашмоқда. 2. Экиш пайти.

Қ. ОТАЕВ олган суратлар. (ЎзТАГ).

ЭКИШ ҚИЗҒИН

Андижон область Балиқчи районидаги «Победа» колхозида чигит экиш бултургига нисбатан ҳафта аввал бошланди. Бу йил меҳнат аҳли давлатга 3000 тонна пахта сотиши керак. Шу ниятда дала ишлари уюшқоқлик билан олиб борилаяпти. Мавжуд сеялкалар қувватидан унумли фойдаланилмоқда. Механизаторларнинг ғайрат-шижоатлари туфайли ҳар куни 85—100 гектар майдонга уруғ ташланаяпти. Бу юмуш саккиз иш кунида ниҳоясига етказилади.

Экиш-тикишда Эркинбой Абдулҳақов, Раҳматқул Акрамов бошлиқ бригадаларнинг деҳқонлари байроқдор. Бу коллективларда Камолхон Исмонов, Муҳаммаджон Маҳмудалиев каби механизаторлар алоҳида ибрат кўрсатмоқдалар. Далада ишловчиларнинг унумли меҳнат қилишлари, кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун шарт-шароит яратилган. Шу боис суръатга суръат қўшилаяпти.

С. ИИГИТАЛИЕВ.

НИҲОЛЛАР ПАРВАРИШЛАНАЯПТИ

Калинин районидаги «Текстильщик» совхози меҳнаткашлари ўтган йили эл дастурхонига 1050 тонна сабзавот маҳсулотлари ҳадя этишган эди. Бу йил ялпи ҳосил салмоғи 1500 тоннага етказилади. Шу мақсадда баҳорнинг дастлабки ойида 25 гектар ерга картошка, 17 гектарига карам, 10 гектарига редиска, шунингдек, 17,5 гектарга беда экилди. Ҳозир ниҳоллар оби-тобида парвариш қилинмоқда. Бу юмуш айниқса Тўра Рисқибоев ва Рустам Жўрабоев бошлиқ бригадаларда намунали ташкил этилган. Бу колелктивларда ҳар бир ишчи кунлик топшириқни ошириб бажармоқда.

И. ҚОСИМОВ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросида

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси ўзининг 12 апрель куни бўлиб ўтган мажлисида КПСС Марказий Комитетининг мамлакат коммунистларига «Принципиал негизда жипслашиш учун» мавзуидаги очиқ хати юзасидан қарор қабул қилди. Область, шаҳар, район партия комитетларига ҳисобот-сайлов конференцияларига тайёргарликдан фойдаланиб, ҳар бир партия ташкилоти учун мақсадга мувофиқ шаклда хат мазмунини барча коммунистлар билан муҳокама қилиш вазифаси топширилди. Жойларга энг яхши тарғиботчилар, партия ветераналари ва фаоллари юборилсин. КПСС Марказий Комитетининг XXVIII съездга Ҳаракат дастури, КПСС Устави лойиҳалари юзасидан ўтказилаётган мунозаралар чоғида демократик, ўртоқларча ижодий руҳ сақлаб қолинсин. Партиядаги соғлом кучларни янада жипслаштиришга кўмаклашилсин. Айни пайтда баъзи коммунистларнинг социализмга, партияга зид позицияларидан қатъиян воз кечилсин. Бузғунчилик тарзидаги норасмий ҳаракатларда иштирок этаётган, КПСС ва Ўзбекистон Компартиясининг йўлига қарши чиқаётган партия аъзоларига нисбатан КПСС сафидан чиқаришгача ташкилий тусдаги чоралар кўрилсин.

Бюро мажлисида Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг район партия комитетларининг структурасини такомиллаштиришга оид таклифлари кўриб чиқилди. Шаҳар, район партия комитетларининг секретарлари иштирок этган муҳокама чоғида КПСС Марказий Комитетининг 1990 йил февраль ва март пленумларининг қарорларига, уларда қабул қилинган партиянинг ижтимоий-сиёсий системадаги янги аҳамиятини белгилаб берувчи съездолди ҳужжатларига мувофиқ, партия комитетлари аппаратининг вазифаларини тубдан ўзгартириш кўзда тутилаётганлиги таъкидланди. Партия комитетининг асосий ишини сайлаб қўйиладиган фаоллар ва район комитетининг устун йўналишлар бўйича ташкил этиладиган комиссиялари зиммасига юклаш таклиф этилади. Ана шу комиссиялар ҳузурида асосий ишдан озод қилинган партия ходимларининг чоғроқ таркибдаги аппарати иш олиб боради. Уларнинг вазифаси сиёсий вазиятни таҳлил этиш ва олдиндан айтиб бериш, муҳим масалалар юзасидан партия қарорларини асослаш, партиявий иш услуб ва методларини такомиллаштиришга оид тавсияномалар ишлаб чиқиш, сиёсий қарорларни ташкилий ва мафкуравий жиҳатдан таъминлашдан иборат.

Марказий Комитет бюроси область партия комитетларига Тошкент шаҳар партия комитетининг таклифларини, маҳаллий шарт-шароитни ва иш хусусиятини ҳисобга олиб, шаҳар ва район партия комитетлари структурасининг мақбул вариантини ишлаб чиқишни тавсия этди.

«Узхлопкопром» республика ишлаб чиқариш бирлашмаси корхоналарида валюта маблағларидан фойдаланишдаги катта камчиликлар тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Бирлашма системасига кирган пахта тозалаш заводлари тармоқ ва Ўзбекистон ССР собиқ Давлат агросаноат комитети раҳбариятининг назорат қилмаганлигидан фойдаланиб, ана шу маблағларни сарфлашда катта камчиликларга йўл қўйди. 1988-1989 йилларда меҳнат коллективларининг фикри ҳисобга олинмай, валютанинг асосий қисми енгил автомобиллар, микроавтобуслар, қиммат турадиган компьютерлар, видеомагнитофонлар сотиб олишга сарфланди. Айни пайтда маҳсулотни қайта ишловчи корхоналарни янгилашга маблағлар жуда кам сарфланди.

Республиканинг бошқа баъзи идораларида ҳам чет эл валютаси маблағларидан фойдаланишда жиддий камчиликлар бор, деб таъкидлашди бюро аъзолари. Министрликлар, корхоналар, бирлашмаларнинг ташқи иқтисодий фаолияти тарқоқ ҳолда олиб борилмоқда, улар бозордаги аҳволни яхши билмайдилар, кўпинча фойдасиз шартномалар тузадилар. Шу муносабат билан белгиланган тартибда Давлат ташқи иқтисодий алоқалар комитетини тузиш ҳақида фикр билдирилди. Бу комитет Ўзбекистон ССРда бутун ташқи иқтисодий фаолиятни мувофиқлаштирган бўлур эди.

Бюро чет эл валютаси маблағларидан фойдаланишда кўпол бузилишларга йўл қўйган коммунист раҳбарлар ҳисобда турадиган партия комитетларига уларга нисбатан тегишли партиявий таъсир чоралари кўришни топширди. Партия ташкилотларига корхоналар ва бирлашмаларнинг валюта жамғармаси маблағларини сарфлаш масалаларини назоратга олиш, уларни аниқ мақсад йўлида қўлланиш вазифасини топширди.

Бюро мажлисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Ўзбекистон КП (б) Марказий Комитетининг 40-йиллар охири — 50-йиллар бошларида ВКП (б) Марказий Комитетининг «Звезда» ва «Ленинград» журналлари тўғрисидаги» қарори асосида қабул қилган баъзи қарорлари билан боғлиқ материалларни ўрганиш комиссияси тузилди (комиссия аъзоларининг рўйхати матбуотда эълон қилинади).

«Жиззах ҳақиқати», «Джизакская правда» область газеталари, айрим район газеталарини чиқаришни тиклаш ва баъзи вақтли нашрларнинг номини ўзгартиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Марказий Комитет бюроси Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ижара муносабатларини, республика чорвачилигида фермерлик ва якка тартибдаги хўжаликларни янада ривожлантириш юзасидан қўшимча тадбирлар тўғрисидаги таклифига қўшилди.

Партия ташкилотларининг ташкилотчилик ва сиёсий фаолияти асосий йўналишларини белгилашда жамоат фикрини ҳисобга олиш, съездолди ҳисобот-сайлов кампаниясига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш даврида меҳнаткашларнинг мурожаатларини ўз вақтида ва тўла-тўкис кўриб чиқишга катта аҳамият бериб, Ўзбекистон Компартияси XXII съезди номига йўлланган хатлар ва шикоят аризаларини кўриб чиқиш тартибини белгиладди.

Бюро мажлисида ижтимоий-сиёсий турмушга оид баъзи масалалар ҳам кўриб чиқилди.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

АЁЛЛАРНИНГ АҲВОЛИНИ ЯХШИЛАШ, ОНАЛИК ВА БОЛАЛИКНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ, ОИЛАНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ДОИР КЕЧИКТИРИБ БЎЛМАЙДИГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Совети оила, оналик ва болаликнинг энг ўткир муаммоларини қисқа муддатда ҳал этишга, кам таъминланган болали оилаларнинг ижтимоий муҳофазасини оширишга муҳим аҳамият бериб ва СССР халқ депутатлари биринчи Съезди қарорини бажариш юзасидан **қарор қилади:**

1. Болали оилаларнинг моддий аҳволини яхшилаш мақсадида:

1) қуйидагилар оширилсин:

бола бир ярим ёшга етгунга қадар унга қараб туришга давлат нафақаси миқдори — иш ҳақининг энг кам миқдори даражасигача (иккита ёки ундан кўп бола туғилганда нафақа ҳар бир болага тўланади). Бунда иш ҳақига район коэффициенти белгиланган районлар ва жойларда яшовчи кишилар учун нафақа миқдори ана шу коэффициентни қўлланиб белгиланади. Агар мазкур районда иш ҳақига турли коэффициентлар амал қилаётган бўлса, у ҳолда халқ хўжалигининг ноишлаб чиқариш тармоқларидаги ишчилар ва хизматчиларнинг иш ҳақига белгиланган коэффициентлар қўлланилади;

васийликдаги (васийликка олинган) болага давлат нафақасининг миқдори — иш ҳақининг энг кам миқдори даражасигача;

ҳақиқий ҳарбий хизматдаги ҳарбий хизматчилар болаларига давлат нафақаси миқдори — иш ҳақининг энг кам миқдори даражасигача;

болали ёлғиз оналар (бева аёллар ва бева эркаклар) болаларни тарбиялаши ва боқиши учун, болалар уйларининг (интернат мактабларнинг) собиқ тарбияланувчиларига тўланадиган давлат нафақасининг миқдори — иш ҳақининг энг кам даражаси миқдоригача;

2) 18 ёшга етмаган ишловчи аёлларга болага қараш учун нафақа иш стажининг қанчалигидан қатъи назар, бола бир ярим ёшга етгунча тўлансин;

3) бир йиллик иш стажига эга бўлмаган ишлаётган аёлларга ва ишламаётган аёлларга болага қараш учун нафақа у бир ярим ёшга етгунга қадар иш ҳақи энг кам миқдорининг 50 фоизи миқдорида тўланиши белгилаб қўйилсин;

4) фарзандлари бўлган, аммо боқувчисидан маҳрум бўлганлиги муносабати билан уларга пенсия олмаётган беваларга амалдаги қонунларга мувофиқ беваларга тўланадиган давлат нафақасини олиш ҳуқуқи жорий этилсин.

2. СССР Министрлар Совети ВЦСПС билан биргаликда 1991 йил 1 январга қадар: оиланинг қандай тусдалигини, унинг даромадини ва турмуш қиймати индексини ҳисобга олиб, болали оилаларга давлат нафақаси тўлашнинг ягона системасини ишлаб чиқсин;

она касал бўлиб боласига қарай олмайдиган давр учун кичик ёшдаги (3 ёшгача) болаларга, ногирон болаларга қараш билан банд бўлган шахсларга меҳнат қобилиятини вақтинча йўқотганлик учун нафақа билан таъминлаш тартибини белгиласин.

(Давоми учинчи бетда).

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг ҚОНУНИ

СССРДА МАҲАЛЛИЙ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ВА МАҲАЛЛИЙ ХЎЖАЛИКНИНГ УМУМИЙ АСОСЛАРИ ТЎҒРИСИДА

СССРдаги маҳаллий ўзини ўзи бошқариш халқ социалистик ўзини ўзи бошқарувининг бир қисми бўлиб, гражданларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари амалга оширилишини, территорияни ижтимоий ва иқтисодий ривожлантириш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалаларини ҳал этишда уларнинг мустақиллигини таъминлаши лозим.

Ушбу қонун СССР Иттифоқида маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ва маҳаллий хўжаликнинг умумий асосларини белгилаб беради.

I БЎЛИМ
МАҲАЛЛИЙ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ТУШУНЧАСИ, СИСТЕМАСИ ВА ПРИНЦИПЛАРИ

1-модда. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тушунчаси

СССРда маҳаллий (территориал) ўзини ўзи бошқариш — гражданларнинг маҳаллий аҳамиятга молик барча масалаларни маъмурий-территориал бирлик аҳолиси манфаатлари ва хусусиятларидан келиб чиқиб, қонунлар ва тегишли моддий ҳамда молия базаси асосида бевосита ёки улар сайлаб қўядиган органлар орқали ҳал қилиш учун ўзлари тузган ташкилотдир.

2-модда. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш системаси

1. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш системаси халқ депутатлари маҳаллий Советларини, территориал ижтимоий ўзини ўзи бошқариш органларини (микрорайонлар, уй-жой комплекслари кенгашлари ва комитетларини, уй, кўча, даҳа, посёлка, қишлоқ комитетлари ва бошқа органларни), шунингдек маҳаллий референдумларни, гражданларнинг йиғилишлари, йиғинлари, бевосита демократиянинг ўзга шакларини ўз ичига олади.

2. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш маъмурий-территориал бирлик чегараларида амалга оширилади.

3. Қишлоқ Совети, посёлка (район), шаҳар (шаҳардаги район) маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг бошланғич территориал даражаси бўлиши мумкин.

Иттифоқдош ва автоном республикалар маҳаллий шароитларни ва миллий хусусиятларни ҳисобга олиб, маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг бошқа даражаларини белгилайдилар.

Қишлоқ аҳоли пунктлари, посёлкалар, шаҳарлар ўз ҳуқуқлари ва манфаатларини янада самаралироқ амалга ошириш мақсадида уюшмаларга бирлашишлари мумкин.

4. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари меҳнат коллективлари, жамоат ташкилотлари ва ҳаракатлари билан мустаҳкам ҳамкорликда иш олиб боради, ҳар бир СССР граждани давлат ва жамоат ишларини бошқаришда иштирок этиш конституцион ҳуқуқини амалга ошириши учун шароит яратади.

3-модда. Халқ депутатлари маҳаллий Советлари — маҳаллий ўзини ўзи бошқариш системасининг асосий бўғини

Ҳокимиятнинг ваколатли органи сифатида халқ депутатлари маҳаллий Советлари маҳаллий ўзини ўзи бошқариш системасидаги асосий бўғиндир. Советлар ўз территориясида маҳаллий ўзини ўзи бошқариш, бутун системасининг фаолиятини мувофиқлаштириб туради.

4-модда. Маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг асосий принциплари

Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш қуйидаги принциплар асосида амалга оширилади:

Халқнинг ўз иродасини халқ депутатлари Советлари орқали ифодалаши, маҳаллий референдумлар ҳамда бевосита демократиянинг бошқа шакллари;

қонунийлик;

(Давоми иккинчи бетда).

ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНЛАРИ

Ўзбекистон ССР ҳукуматининг таклифига биноан кооперация ишлари министри Б. Арифин бошчилигидаги Индонезия республикасининг делегацияси Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турибди. Сафардан мақсад — ипак қурти парвариш қилиш ва тайёр ипак ишлаб чиқариш технологияси билан батафсил танишишдан, бу борадаги ҳамкорлик йўлларини белгилашдан иборат.

13 апрель куни делегация аъзоларини Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси М. И. Иброҳимов қабул қилди.

Меҳмонлар республика парламентининг фаолияти билан таништирилди. Ҳар иккала томон ўзаро фойдали ҳамкорликни мустаҳкамлаш истагини билдирди.

Суҳбатда Ўзбекистон ССР ташқи ишлар министри С. О. Азимов, Индонезия республикасининг Совет Иттифоқидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Я. Жани иштирок этдилар.

Шу куни меҳмонлар Ўрта Осиё ипакчилик илмий-тадқиқот институтида бўлдилар. Тошкентнинг диққатга сазовор жойлари билан танишдилар.

(ЎзТАГ).

СССРда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ва маҳаллий хўжаликнинг умумий асослари тўғрисида

(Давоми. Боши биринчи бетда).

халқ депутатлари Советларининг мустақиллиги, маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал этиш учун уларнинг жавобгарлиги;

гражданларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;

халқ депутатлари Советларининг, ўзини ўзи бошқариш территориал ижтимоий органларининг сайлаб қўйилиши, улар аҳоли томонидан назорат қилиб борилиши;

ошкоралик ва жамоатчилик фикрини ҳисобга олиш;

маҳаллий ва давлат манфаатларини қўшиб олиб бориш.

5-модда. Ўзини ўзи бошқаришда гражданлар ҳуқуқларининг амалга оширилиши

Тегишли территорияда яшовчи гражданлар маҳаллий аҳамиятга молик муҳим масалаларни бевосита ҳал қиладилар, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларини сайлайдилар, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг қонунларига мувофиқ уларни тарқатиб юбориш тўғрисида қарорлар қабул қиладилар.

6-модда. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатларини белгилашнинг асослари

1. Бошланғич территориал даражадаги маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ушбу қонунга, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг қонунларига мувофиқ ўз ваколатларига эга бўладилар. Ваколатлар мазкур даражада уларнинг мустақил амалга оширилиш имкониятлари ҳисобга олиниб, белгилаб қўйилади ва улар фақат қонун билан ўзгартирилиши мумкин.

Турли даражадаги халқ депутатлари маҳаллий Советлари:

ўзаро келишувга мувофиқ маҳаллий нуфус, территориал, иқтисодий шароитлари ва миллий хусусиятларни ҳисобга олиб, хўжалик ва ижтимоий-маданий қурилиш соҳасидаги айрим ваколатларни ўзаро қайта тақсимлаш;

ўз ваколатларининг бир қисмини территориал-ижтимоий ўзини ўзи бошқариш органларига топшириш ҳуқуқига эгадирлар.

2. Районлар ва шаҳарларга шартнома асосида хўжалик ва ижтимоий-маданий хизмат кўрсатишни, территорияларарo тадбирларни ўтказишни, қонунда белгилаб қўйилган ҳолларда маҳаллий бюджетларнинг мутаносиб бўлишига молиявий ёрдам беришни, маҳаллий ўзини ўзи бошқаришни амалга оширишда методик ёрдам кўрсатиш ва қонунийликни таъминлашни уюштиришга доир ваколатларни халқ депутатлари ўлка, область Советларининг ваколатлари қаторига киритиш мумкин.

3. Халқ депутатлари маҳаллий Советлари ўз органларини тузадилар. ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг қонунларига мувофиқ ўз ваколатларини белгилаб берадилар, структура ва штатларни мустақил белгилайдилар.

Халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижро ва идора этувчи органлари фақат ўзларини тузган Советларга бўйсунади ҳамда ўз фаолиятида СССР Конституциясига, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг конституцияларига, ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг қонунларига амал қиладилар.

4. Халқ депутатлари маҳаллий Советлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар СССР Олий Совети, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Олий Советлари қонун ҳужжатларига мувофиқ қурилади.

5. Халқ депутатлари маҳаллий Советлари бошқарувнинг территориал ва территорияларарo, тармоқ ва тармоқлараро органларини тузишга ва уларни қайтадан ташкил этишга, уларнинг структура ва штатларини тасдиқлашга ҳақлидирлар.

6. Территориал ижтимоий ўзини ўзи бошқариш органлари ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг қонунларига мувофиқ юридик шахс ҳуқуқига эга бўлишлари мумкин.

7-модда. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ва маҳаллий хўжалик тўғрисидаги қонунлар

1. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш СССР Конституцияси, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг конституциялари, ушбу қонун, ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг ўзга қонунлари билан тартибга солиб турилади.

2. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тўғрисидаги ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикалар қонунлари фаолияти алоҳида қароргоҳлар (ҳарбий шаҳарчалар территориялари, ёпиқ тусдаги қароргоҳлар)да ҳам амал қилади.

II БЎЛИМ
МАҲАЛЛИЙ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ АСОСИ

8-модда. Маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг иқтисодий базаси

Табиат ресурслари (ер, ерости бойликлари, сув, ўрмонлар, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси), маҳаллий ўзини ўзи бошқариш даромад оладиган ҳамда тегишли территория аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжларини қондириш манбаи бўлиб хизмат қиладиган коммунал ва ўзга мулк маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг иқтисодий базасини ташкил этади.

9-модда. Маҳаллий хўжалик ва унинг таркиби

1. Маҳаллий хўжалик аҳоли эҳтиёжлари қондирилишини ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш системаси фаолият кўрсатишини бевосита таъминлайди.

2. Маҳаллий хўжалик корхоналар (бирлашмалар), ташкилотлар, муассасалар, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфраструктурининг тегишли маъмурий-территориал бирлик коммунал мулки ҳисобланган объектларидан иборат бўлади.

3. Маҳаллий хўжалик таркибига мулк эгасининг розилиги билан коммунал мулк ҳисобланмаган, фаолияти асосан аҳолига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган корхоналар (бирлашмалар), ташкилотлар ва муассасалар қўшилиши мумкин.

Аҳоли ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг розилиги билан маҳаллий хўжалик таркибига гражданларнинг меҳнатдаги иштироки натижасида барпо этилган ёки уларнинг ихтиёрийлик асосида қўшган пуллари ҳисобига қотиб олинган объектлар киритилиши мумкин.

4. Халқ депутатлари маҳаллий Советлари ўз ваколатлари доирасида, маҳаллий хўжаликка кирувчи корхоналар (бирлашмалар), ташкилотлар ва муассасаларга маҳаллий ер ва бошқа табиат ресурсларидан фойдаланишда, маҳаллий фондлардан моддий-техникавий таъминланишда афзал ҳуқуқлар бериши мумкин.

5. Халқ депутатлари маҳаллий Советлари юқори органлар билан келишмаган ҳолда улардаги мавжуд маблағ ҳисобидан корхоналар, ташкилотлар ва ижтимоий-маданий муассасалар барпо этишга ҳақлидир.

6. Халқ депутатлари маҳаллий Советлари маҳаллий хўжалик корхоналари (бирлашмалари), ташкилотлари ва муассасаларининг фаолиятини мувофиқлаштириб боради.

10-модда. Коммунал мулк

1. Коммунал мулк маҳаллий хўжаликнинг асосини ташкил этади. Коммунал мулкни тасарруф этиш ва бошқаришни маъмурий территориал бирлик аҳолиси номидан халқ депутатлари тегишли Советлари ва улар ваколат берган органлар амалга оширадилар.

2. ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикалар, бошқа субъектлар бепул берадиган молк-мулк, шунингдек халқ депутатлари маҳаллий Советлари ўзига қарашли маблағ ҳисобидан барпо этадиган ёки қурадиган мол-мулк коммунал мулкка киради.

Халқ депутатлари маҳаллий Советлари агар корхоналар (бирлашмалар), ташкилотлар, муассасалар, уларнинг таркибий бўлинмалари, шунингдек давлат мулкининг бошқа шаклларига тааллуқли ўзга объектлар мазкур территория аҳолисини коммунал-маиший ва ижтимоий-маданий эҳтиёжларини таъминлаш, маҳаллий хўжаликнинг фаолияти учун алоҳида муҳим аҳамиятга эга бўлса, уларни тегишли маъмурий-территориал бирлик коммунал мулкига топшириш ёки сотиш тўғрисида таклиф киритишга ҳақлидир.

Мулкни топшириш, харид қилиш, сотиш тартиби, шунингдек турли даражадаги маъмурий-территориал бирлик мулки таркибига текинга топшириладиган давлат мулкининг рўйхатини, бунда юзага келадиган низоларни кўриб чиқиш тартибини тегишли равишда СССР Олий Совети, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Олий Советлари белгилаб берадилар.

11-модда. Маҳаллий ўзин-ўзи бошқариш органларининг корхоналар билан ўзаро муносабатлари

Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг коммунал мулкка кирмайдиган корхоналар (бирлашмалар), ташкилотлар ва муассасалар билан хўжалик муносабатлари солиқ ва шартнома асосига қурилади.

12-модда. Территорияни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни планлаштириш

Халқ депутатлари маҳаллий Совети моддий-молиявий ресурсларга қараб, маҳаллий ресрусларни ва ишлаб чиқариш резервларини тўла жалб этишни, атроф муҳитни муҳофаза қилиш манфаатларини кўзда тутиб, мавжуд ваколатлар доирасида территорияни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш планларини мустақил равишда ишлаб чиқади ва тасдиқлайди.

13-модда. Моддий-техника таъминоти ва территориялар ўртасида товар айирбошлаш

1. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ва маҳаллий хўжалик объектларининг моддий-техника таъминоти хўжалик фаолияти қатнашчиларининг иқтисодий жиҳатдан тўла мустақиллиги шароитида, улар ўртасида тузиладиган бевосита шартномалар асосида, шунингдек белгиланган тартибда улгуржи, чакана, савдо йўли билан амалга оширилади.

Марказлаштирилган тарзда тақсимланган тақдирда территорияни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолига хизмат кўрсатиш, қурилиш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, бошқа маҳаллий эҳтиёжларни қондириш учун зарур моддий ресурслар халқ депутатлари маҳаллий Советларига иттифоқдош ва автоном республикаларнинг тегишли органлари томонидан ажратиб берилади.

2. Территориялар ўртасида товар айирбошлаш территория бозорларининг очиқлиги шароитида амалга оширилади. Халқ депутатлари маҳаллий Советлари маҳсулотларни ҳамда товарларни тегишли территорияга олиб келиш ва ундан олиб чиқиб кетишни чеклаб қўйишга ҳақли эмас.

14-модда. Ташқи иқтисодий алоқаларда иштирок этиш

1. Халқ депутатлари маҳаллий Советлари ташқи иқтисодий алоқаларни уюштирадилар, уларда ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг қонунларига мувофиқ валюта харажатларини ўзи қоплаш принциплари асосида иштирок этадилар.

Халқ депутатлари маҳаллий Советлари ўз территориясида жойлашган корхоналар (бирлашмалар), ташкилотлар ва муассасаларнинг ташқи иқтисодий алоқаларини кенгайтиришга, экспорт базасини ривожлантиришга ва маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқаришни кўпайтиришга кўмаклашадилар.

2. Халқ депутатлари маҳаллий Советлари ва улар тузадиган органлар қўйидаги ҳуқуқларга эгадирлар:

Мавжуд валюта маблағлари ҳисобидан ёки ўзга асосда маҳсулот сотиш ва харид қилиш учун чет эллик шериклар билан шартномалар тузиш;

халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган ва аҳолига хизмат кўрсатадиган қўшма корхоналар барпо этиш, чет эллик шериклар билан қўшма илмий, маданий, туристик, физкультура—соғломлаштириш марказлари, ижтимоий ва ишлаб чиқариш соҳаларини уй-жой-коммунал хўжалиги, шаҳар хўжалиги учун, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари учун замонавий машина-ускуналар, механизациялаш воситалари билан таъминлаш, уларнинг моддий базасини ривожлантириш билан боғлиқ иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликка доир бошқа ташкилотларни тузишда иштирок этиш;

чегарабўйи ва соҳилбўйи савдосини ташкил этиш.

III БЎЛИМ
МАҲАЛЛИЙ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШНИНГ МОЛИЯВИЙ АСОСИ

15-модда. Молиявий ресурслар

Маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг молиявий ресурслари халқ депутатлари маҳаллий Советларининг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларидан, шунингдек территориал ўзини ўзи бошқаришнинг бошқа органлари маблағларидан иборат бўлади.

16-модда. Маҳаллий бюджет

1. Халқ депутатлари маҳаллий Советлари аҳоли манфаатларини кўзлаб тегишли территорияларнинг бюджетларини мустақил равишда тузадилар, тасдиқлайдилар ва ижро этадилар. Маҳаллий бюджетларни тузиш, тасдиқлаш ва ижро этиш жараёнларига юқори органларнинг аралашувига йўл қўйилмайди.

2. Маҳаллий бюджетларнинг энг кам миқдори иттифоқдош ва автоном республикалар томонидан белгилаб қўйиладиган аҳоли жон бошига бюджет билан таъминланиш нормативлари асосида белгиланади.

17-модда. Маҳаллий бюджет даромадлари

1. Бошланғич даражадаги маҳаллий ўзини ўзи бошқариш бюджетига қўйидаги даромадлар тўла ўтказилади:

Маҳаллий Совет территориясида яшайдиган СССР гражданларидан, хорижий гражданлардан ва гражданликка эга бўлмаган шахслардан олинадиган даромад солиғи;

колхозчилар меҳнатига ҳақ тўлаш фондидан олинадиган солиқ;

ишлаб чиқариш кооперативларидан олинадиган солиқ;

ер учун ижара ҳақи;

иттифоқдош ва автоном республикаларнинг бюджетларида қисман марказлаштирилиши мумкин бўлган ер солиғи;

маҳаллий солиқлар ва йиғимлар.

2. Қўйидаги даромадлар ҳам маҳаллий бюджетга тўла ўтказилади:

маҳаллий хўжалик составига кирувчи корхоналар (бирлашмалар), ташкилотлар, шунингдек қўшма корхоналардан халқ депутатлари маҳаллий Советларининг улардаги улушига мувофиқ фойда (даромад)дан олинадиган солиқ, табиат ресурслари учун тўловлар;

маҳаллий хўжалик таркибига кирмайдиган иттифоқ, республика тасарруфидаги ва бошқа корхоналар (бирлашмалар), ташкилотлар фойдасидан (даромадидан) ана шу корхоналар (бирлашмалар), ташкилотлар фойдасидан олинадиган солиқнинг республикалар бюджетига тушадиган белгилаб қўйилган қисми доирасида иттифоқ ва автоном республикаларнинг қонунларида белгиланган ставкалар бўйича олинадиган территориал солиқ;

меҳнат ресурслари учун ҳақ;

колхозлардан, матлубот кооперациялари ва жамоат ташкилотларидан олинадиган даромад солиғи;

давлат пошлинаси, якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланиш учун патент ҳақи;

халқ депутатлари маҳаллий Советлари коммунал мулки ҳисобланган мол-мулкни ижарага беришдан келадиган тушумлар;

ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикалар қонунларига мувофиқ олинадиган бошқа даромадлар.

3. Маҳаллий бюджетларга барқарор узоқ муддатли нормативлар асосида қўйидагилардан ажратмалар ўтказилади:

Табиат ресурсларига тўловдан;

оборот солиғидан;

ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг қонунларида кўзда тутилган бошқа даромадлардан.

Тегишли маҳаллий бюджетларга ажратмаларнинг нормативлари халқ депутатлари юқори Советлари томонидан маҳаллий бюджетнинг даромадлари умумий миқдори ва харажатларининг умумий миқдорига қараб ҳамда ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикалар давлат ҳокимияти органлари белгилаб қўядиган ижтимоий нормативларга қараб тасдиқланади.

4. Меҳнат ва табиат ресурслари учун тўловлар ставкалари барқарор, узоқ муддатли бўлиб, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг қонунлари билан белгилаб қўйилади. Улар меҳнат билан таъминланишга, территориялар табиат ресурсларининг иқтисодий баҳосига қараб табақалаштирилиши мумкин.

Корхоналарнинг тўловлари корхоналар, уларнинг филиаллари, бошқа структура бирликлари ва бўлинмалари қаерда жойлашган бўлса, ўша жой бюджетига ўтказилади. Мазкур территорияда филиаллари бўлган корхоналар тўловларини корхонада банд бўлган ходимлар умумий сонида шу территориядаги ходимлар улушига мутаносиб равишда тақсимланади.

5. Халқ депутатлари маҳаллий Советлари ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг қонунларига мувофиқ:

коммунал мулкка кирувчи корхоналар ва бошқа маҳаллий хўжалик объектлари фойдасидан олинадиган солиқ ставкаларини;

маҳаллий солиқлар, йиғимлар ва пошлиналарни белгилаб қўядилар.

6. Маҳаллий бюджетларга юқори бюджетлардан дотациялар, субвенциялар ва субсидиялар берилиши мумкин.

7. Халқ депутатлари маҳаллий Советлари тегишли маҳаллий бюджетга тушадиган солиқлар ва тўловлар юзасидан айрим солиқ тўловчиларга имтиёз беришга ҳақлидирлар.

18-модда. Маҳаллий Советларнинг харажатлари

1. Халқ депутатлари маҳаллий Советлари мустақил равишда: маҳаллий бюджет маблағларидан фойдаланиш йўналишларини белгилайдилар, бюджет маблағларини сарфлайдилар;

мавжуд маблағлар доирасида уй-жой-коммунал хўжалигини, соғлиқни сақлаш, халқ таълими, социал таъминот, маданият ва спорт муассасаларини, ички ишлар, табиатни муҳофаза қилиш органларини сақлаб туриш учун харажатлар нормаларини кўпайтирадилар, аҳолининг айрим тоифаларига ёрдам кўрсатиш чоғида қўшимча имтиёзлар ва нафақалар белгилайдилар;

маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органларини сақлаб туриш учун харажатлар миқдорини белгилайдилар;

резерв фондларни ташкил этадилар.

2. Маҳаллий бюджетлар ижроси чоғида олинган қўшимча даромадлар, шунингдек даромадларни ошириб бажариш натижасида ёки харажатларни тежаб-тергаш натижасида даромадларнинг харажатлардан ошган қисми халқ депутатлари маҳаллий Советларининг тасарруфида қолади у, олиб қўйилмайди ва маҳаллий Советларнинг ихтиёрига мувофиқ фойдаланилади.

19-модда. Бюджетдан ташқари фондлар

1. Халқ депутатлари маҳаллий Советлари бюджетдан ташқари фондларни тузадилар, уларга қўйидагилар киради:

Маҳаллий Советлар иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал этиш тадбирларини амалга ошириши ҳисобига олинган қўшимча даромадлар ва тежаб қолинган молиявий ресурслар;

гражданлар, корхоналар (бирлашмалар), ташкилотлар ва муассасаларнинг ихтиёрий ўтказган пуллари ва ҳайриялари;

маҳаллий заёмлардан ва маҳаллий пул-буюм лотереяларидан, кимошди савдосидан тушадиган даромадлар;

корхоналар ва ташкилотлар маҳсулот (ишлар, хизматлар) нархини (тарифларини) ошириш йўли билан асоссиз равишда фойда (даромад) олганлиги учун ундириладиган жарималар;

атроф муҳитни булғатганлик ва табиий ресурсларидан оқилона фойдаланмаганлик ҳамда табиатни муҳофаза қилиш қонунларини, санитария нормалари ва қоидаларини бошқа тарзда бузганлик учун жарималар, шунингдек етказилган зарарни қоплаш учун тўловлар. Ана шу жарималар ва тўловлардан тушган маблағдан табиатни муҳофаза қилиш ва соғломлаштириш тадбирларини амалга ошириш учун фойдаланилади;

маҳаллий Совет территориясида содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жарималар, халқ назорати тегишли органлари томонидан солинадиган пул жарималари;

халқ депутатлари маҳаллий Совети территориясида жойлашган корхона (бирлашма), ташкилот ва муассасаларнинг яшириб қўйган ва текшириш чоғида аниқланган даромадларининг 50 фоизи;

эгасиз ва мусодара қилинган мол-мулкни сотишдан тушган даромадлар;

бюджетдан ташқари бошқа маблағлар.

2. Бюджетдан ташқари фондларнинг маблағлари банк муассасаларида очиладиган махсус счётларда туради, тортиб олинмайди ва халқ депутатлари маҳаллий Советлари ихтиёрига мувофиқ сарфланади.

3. Халқ депутатлари маҳаллий Советлари корхоналар (бирлашмалар), ташкилотлар, муассасалар аҳоли розилиги билан уларнинг маблағларини, шунингдек бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларини ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфраструктураси объектларини қуриш, кенгайтириш, ремонт ишларига ҳамда улушбай асосида сақлаб туришга, шунингдек табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини ўтказишга бирлаштиришлари мумкин.

20-модда. Валюта фондлари

халқ депутатлари маҳаллий Советлари барқарор узоқ муддатли нормативлар асосида корхоналар (бирлашмалар) ва ташкилотлар валюта тушумларидан ажратмалари ҳисобига валюта фондларини тузиш ҳуқуқига эгадирлар.

21-модда. Территориал-ижтимоий ўзини ўзи бошқаришнинг молиявий ресурслари

1. Территориал-ижтимоий ўзини ўзи бошқаришнинг молиявий ресурслари корхоналар (бирлашмалар), ташкилотлар, муассасалар, аҳоли ихтиёрий бадалларидан ва ҳайрияларидан, барпо этилган корхоналар ва ўтказиладиган тадбирлар даромадларидан ташкил топади.

2. Халқ депутатлари маҳаллий Советлари ўз молиявий ресурсларининг бир қисмини территориал-ижтимоий ўзини ўзи бошқариш органларига бериш ҳуқуқига эгадирлар.

3. Территориал ижтимоий ўзини ўзи бошқариш органлари:

ўз тасарруфидаги молиявий ресурслардан ўз фаолияти мақсадлари учун, жумладан улар тузадиган органларни сақлаб туриш учун мустақил фойдаланади;

банк муассасаларида пул операциялари учун счёт очиш ҳуқуқига эга.

22-модда. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг кредит муносабатларида ва пул муомаласини ташкил этишдаги иштироки

1. Халқ депутатлари маҳаллий Советлари ҳамда юридик шахс ҳисобланган бошқа маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари:

шартнома асосида кредитлардан ишлаб чиқариш ва ижтимоий мақсадларда фойдаланиш;

ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг қонунларига мувофиқ равишда акционерлик ёки улушбай асосда молия-кредит муассасаларини барпо этишда ва уларнинг фаолиятида қатнашиш;

аниқ мақсадга мўлжалланган фондларни вужудга келтириш ва уларни территориал вазифаларни ҳал этиш учун аниқ мақсадни кўзда тутувчи программалар ва тадбирларга қарз ресурслари сифатида банкнинг ҳар қандай муассасасига топшириш ҳуқуқига эгадирлар.

2. Халқ депутатлари маҳаллий Советлари территория қўшма молия балансларини тузишга ҳақлидирлар. Тегишли давлат ва жамоат органлари, корхоналар (бирлашмалар), ташкилотлар ва муассасалар халқ депутатлари Советига ва унинг ижро ва идора этувчи органларига бундай балансларни тузиш учун зарур маълумотларни тақдим этадилар.

IV БЎЛИМ
МАҲАЛЛИЙ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ КАФОЛАТЛАРИ

23-модда. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг территорияни ривожлантиришга доир ваколатларини таъминлаш

Тегишли территорияда иқтисодий ва ижтимоий объектларни барпо этиш ёки уларни қайта тузиш, табиат ресурсларидан фойдаланиш масалалари фақат халқ депутатлари маҳаллий Советининг розилиги билан ҳал қилинади.

Корхоналар (бирлашмалар), ташкилотлар ва муассасалар, улар кимга бўйсунишидан ва мулкнинг шаклидан қатъий назар, маҳаллий Советлар билан шартномада келишилган масалалар юзасидан ўз фаолияти планларига ўзгартиш киритишга ҳақли эмаслар, шунингдек улар территория аҳолисининг манфаатларига дахл қиладиган экологик, нуфус ва ўзга оқибатларга олиб бориши мумкин бўлган тадбирларни мажбурий тартибда тегишли халқ депутатлари Советлари билан келишиб оладилар.

24-модда. Социалистик қонунчиликни таъминлаш

1. Референдумларнинг, гражданлар, халқ депутатлари маҳаллий Советлари, территориал-ижтимоий ўзини ўзи бошқариш органлари йиғилишлари, йиғинларининг қарорлари ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикалар қонунларига зид бўлмаслиги лозим.

2. Халқ депутатлари маҳаллий Советлари қўйидаги ҳуқуқларга эгадирлар:

Давлат бошқаруви, маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органларининг, корхоналар (бирлашмалар), ташкилотлар ва муассасаларнинг мазкур территорияда яшовчи гражданларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузадиган ҳужжатларини, шунингдек халқ депутатлари маҳаллий Совети ваколатларини ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги талабни суд ёки давлат арбитражига қўйиш, суд ёки арбитраж қарор қабул қилгунга қадар маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг, корхоналар (бирлашмалар), ташкилотлар ва муассасаларнинг мунозарага сабаб бўлган ҳужжатлари амал қилишини тўхтатиб туриш;

табиий офатлар, экологик фалокатлар, эпидемиялар, эпизоотиялар, ёнғинлар юз берган тақдирда ва жамоат тартиби бузилганда, гражданларнинг шахсий хавфсизлигини, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни, мулкчиликнинг барча шаклларини ва ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилишни таъминлашга доир қонунда кўзда тутилган алоҳида чораларни амалга ошириш;

қонунда кўзда тутилган ҳолларда уларни бузганлик учун маъмурий жавобгарликни белгилайдиган қарорлар қабул қилиш;

ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикалар қонунларида кўзда тутилган бошқа ваколатларни амалга ошириш.

25-модда. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш қарорларининг мажбурийлиги ва унинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш

1. Иттифоқдош ва автоном республикаларнинг қонунларида, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тасарруфига берилган масалалар юзасидан ўтказилган маҳаллий референдум қарорлари тегишли халқ депутатлари Советлари, территориал ижтимоий ўзини ўзи бошқариш органлари, мазкур территориядаги барча ташкилотлар ва гражданлар учун мажбурийдир.

2. Халқ депутатлари маҳаллий Советлари ушбу қонунда, ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг бошқа қонунларида белгилаб қўйилган ваколатлар доирасида қабул қиладиган қарорлар халқ депутатлари шу маҳаллий Совети территориясида жойлашган барча корхоналар (бирлашмалар), ташкилотлар, муассасалар, кооперативлар, жамоат ташкилотлари ва уларнинг органлари, мансабдор шахслар ва гражданлар томонидан бажарилиши шарт.

3. Корхоналар (бирлашмалар), ташкилотлар, муассасалар ва гражданлар маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари олдида, жумладан, мулкий жавобгарлар, ўзларнинг қарорлари, ҳаракатлари ёки ҳаракатсизликлари билан аҳоли манфаатларига, маҳаллий хўжаликка, атроф муҳитга етказган зарарни, шунингдек маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари қарорларини бажармаслик натижасида етказилган зарарни тўла ҳажмда тўлайдилар.

ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг қонунларига мувофиқ суд ёки давлат арбитраж маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қиладилар.

Турли даражадаги халқ депутатлари маҳаллий Советлари ўртасида уларнинг ваколатларини ўзгартириш масалаларига доир вужудга келган келишмовчиликлар иттифоқдош ва автоном республикаларнинг қонунларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

26-модда. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг масъулияти

Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ўзлари қабул қиладиган қарорларнинг қонунийлиги учун жавобгардирлар.

Корхоналар (бирлашмалар), ташкилотлар, муассасалар ва гражданларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашга доир маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги натижасида юз берган низолар судда ёки давлат арбитражида ҳал қилинади.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг ғайриқонуний қарорлари, ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги натижасида етказилган зарар шу органлар томонидан ўз маблағлари ҳисобидан корхоналар (бирлашмалар), ташкилотлар, муассасалар ва гражданларга тўла ҳажмда тўланади.

27-модда. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг таклифларини кўриб чиқиш

ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикалар давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви олий органлари, жамоат ташкилотларининг умумиттифоқ ва республика органлари ўз фаолиятларида маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг таклифларини кўриб чиқиш ва ҳисобга олишга, таклифларни кўриб чиқиш натижалари ҳақида уларга хабар қилишга мажбурдирлар.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти

М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль. 1990 йил 9 апрель.

СССР Олий Советининг қарори

«СССРда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ва маҳаллий хўжаликнинг умумий асослари тўғрисида»ги СССР қонунини кучга киритиш ҳақида

СССР Олий Совети **қарор қилади:**

1. «СССРда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ва маҳаллий хўжаликнинг умумий асослари тўғрисида»ги СССР қонуни у эълон қилинган вақтдан бошлаб кучга киритилсин, унинг 1990 йил 1 июлдан бошлаб кучга кирадиган 2-моддасининг 3-банди, 6-моддасининг 1, 4, 5-бандлари, 25-моддасининг 1-банди бундан мустасно. Қонуннинг 16 ва 17-моддалари 1991 йил 1 январдан бошлаб кучга киритилсин.

2. ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг қонунлари «СССРда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ва маҳаллий хўжаликнинг умумий асослари тўғрисида»ги СССР қонуни кучга кирган вақтдан бошлаб қўйидаги қонун ва қарорлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

1980 йил 25 июнда қабул қилинган «Халқ депутатлари ўлка, область Советларининг, халқ депутатлари автоном область ва автоном округ Советларининг асосий ваколатлари тўғрисида»ги СССР қонуни (СССР Олий Советининг ахборотномаси, 1980 йил, 27-сон, 526-бет;

СССР Олий Совети Президиумининг 1971 йил 19 мартда қабул қилинган «Меҳнаткашлар депутатлари район Советларининг асосий ҳуқуқлари ва бурчлари тўғрисида»ги ҳамда «Меҳнаткашлар депутатлари шаҳар ва шаҳардаги район Советларининг асосий ҳуқуқ ва бурчлари тўғрисида»ги фармонларининг 1978 йил 28 ноябрдаги таҳрири (СССР Олий Советининг ахборотномаси, 1978 йил, 49-сон, 795, 796-бетлар;

СССР Олий Совети Президиумининг 1968 йил 8 апрелда қабул қилинган «Меҳнаткашлар депутатлари қишлоқ ва посёлка Советларининг асосий ҳуқуқлари ва вазифалари тўғрисида»ги фармонининг 1978 йил 28 ноябрдаги таҳрири (СССР Олий Советининг ахборотномаси, 1978 йил, 49-сон, 797-бет).

4. Иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Олий Советларига республикаларда маҳаллий ўзини ўзи бошқаришни тартибга солиб турувчи қонун актларининг ишлаб чиқилиши ва қабул қилинишини таъминлаш, иттифоқдош ва автоном республикалар қонунларини «СССРда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ва маҳаллий хўжаликнинг умумий асослари тўғрисида»ги СССР қонунига мувофиқлаштириш тавсия этилсин.

5. СССР Министрлар Совети 1990 йил 1 июлга қадар:

СССР Олий Советига ССР Иттифоқи қонун актларини «СССРда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ва маҳаллий хўжаликнинг умумий асослари тўғрисида»ги СССР қонунига мувофиқлаштириш таклифларини тақдим этсин;

СССР ҳукуматининг қарорлари ва фармойишлари бекор қилинсин ёки мазкур қонунга мувофиқлаштирсин;

СССР министрликлари, давлат комитетлари ва идоралари мазкур қонунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини, шу жумладан қўлланмаларини қайта кўриб чиқишини ва бекор қилинишини таъминласинлар.

6. СССР Министрлар Совети, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Олий Советлари халқ депутатлари маҳаллий Советлари билан биргаликда турли территориал даражалардаги коммунал мулк составига бепул бериладиган ва сотиб олинадиган мол-мулкни ўтказиш тартиби ва рўйхатини белгиласинлар.

Иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Олий Советлари республиканинг ҳар бир аҳолисига бюджет таъминоти нормативларини белгиласинлар.

7. Иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Олий Советлари, Министрлар Советлари, халқ депутатлари маҳаллий Советлари маҳаллий хўжаликни, моддий-молиявий базани ўзини ўзи бошқариш, янги иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатлар шароитида ишлашга тайёрлаш юзасидан тадбирлар комплексини амалга оширсинлар.

8. СССР Олий Советининг халқ депутатлари иши, бошқарув ўзини ўзи бошқаришни ривожлантириш масалалари комитети «СССРда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ва маҳаллий хўжаликнинг умумий асослари тўғрисида»ги СССР қонуни бажарилиши юзасидан назоратни таъминласин.

СССР Олий Советининг раиси

А. ЛУКЬЯНОВ.

Москва, Кремль.
1990 йил 9 апрель.

АЁЛЛАРНИНГ АҲВОЛИНИ ЯХШИЛАШ, ОНАЛИК ВА БОЛАЛИКНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ, ОИЛАНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ДОИР КЕЧИКТИРИБ БЎЛМАЙДИГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши биринчи бетда).

3. Иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советларига, халқ депутатлари ўлка, область, округ, район ва шаҳар Советларига улардаги мавжуд маблағ доирасида ССР Иттифоқининг амалдаги қонунларида болали оилалар учун кўзда тутилган нафақаларнинг ҳамма турларига нафақалар ва имтиёзларнинг қўшимча турларини жорий этиш ҳуқуқи берилсин, бу нафақалар ва имтиёзлар болали оилаларнинг, биринчи навбатда кўп болали оилаларнинг, ногирон болаларни, ота-онасининг қаровидан маҳрум бўлиб қолган болаларни тарбиялаётган онасиз ёки отасиз оилалар ва ёш оилаларнинг эҳтиёжлари яна ҳам тўлароқ қондирилишига қаратилиши лозим.

4. Амалдаги қонунларда болалар уйлари ва интернат мактабларидаги болаларнинг мазкур тоифалари учун белгилаб қўйилган имтиёзлар таълим-тарбия муассасаларида (уларнинг қандай тусдалиги ва қайси идорага бўйсунишидан қатъи назар) таълим олаётган барча етим болаларга ва ота-оналарнинг қаровидан маҳрум бўлиб қолган болаларга жорий этилсин.

5. Белгилаб қўйилсинки, давлат болалар муассасаларидаги болаларни сақлаш учун ота-оналардан ундириладиган маблағ, шунингдек болалар учун тайинланган давлат пенсиялари ва нафақалари тарбияланувчиларнинг омонат банкидаги шахсий счетига ўтказилади.

6. Ҳомиладор аёлларни диспансеризациядан ўтказишнинг, уларнинг саломатлиги ва янги туғилган чақалоқларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш самарадорлигини ошириш мақсадида белгилаб қўйилсинки, туғишга қадар бериладиган эллик олти кунлик (1990 йил 1 декабрдан бошлаб — етмиш кунлик) ҳомиладорлик отпускаси ҳамда туғишдан кейин бериладиган эллик олти кунлик (туғиш қийинлашган ҳолларда ёки икки ёхуд ундан кўп бола туғилганда — етмиш кунлик) отпуска аёлларга туғишгача амалда неча кундан фойдаланганидан қатъи назар ҳаммаси тўла қўшиб берилади.

7. Янги туғилган ва кичик болаларга қараш учун қулай шароит яратиш мақсадида:

1) белгилаб қўйилсинки, бола 3 ёшга етгунга қадар унга қараш учун отпуска боланинг онасига ёки оиланинг ихтиёрига қараб унинг отасига, бувисига, бобосига ёки ҳақиқатда болага қараётган бошқа қариндошларга тўла ёки бўлиб-бўлиб берилади;

2) хотинлари ҳомиладорлик ва туғиш отпускасида бўлган ишлаётган эркакларга ҳар йили бериладиган отпуска уларнинг истагига мувофиқ хотинларнинг отпускаси даврида берилсин.

8. Ота-оналарга ижтимоий ишлаб чиқаришдаги меҳнатни болаларни тарбиялаш билан қўшиб олиб боришга имкон берадиган қулай шароит яратиш мақсадида:

1) 14 ёшгача болалари бўлган (шу жумладан васийлигида шундай болалари бўлган) аёлларнинг илтимосига мувофиқ тўла бўлмаган иш куни ёки тўла бўлмаган иш ҳафтаси белгилансин;

2) 14 ёшгача бўлган болага (шу жумладан васийлигидаги болага) ёки 16 ёшгача бўлган ногирон бола саноторийда даволанаётган бутун давр учун (келиш ва кетиш вақтини ҳам ҳисобга олиб) вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаси бериш;

ҳар ойда ижтимоий суғурта маблағи ҳисобидан кунлик иш ҳақи миқдорида ҳақ тўланадиган қўшимча дам олиш куни бериш белгилаб қўйилсин.

9. Аёлларнинг ва ёши ўн саккизга етмаган шахсларнинг меҳнат шароитини яна-да яхшилаш мақсадида:

1) уларнинг меҳнатидан асосан ўзларининг руҳий-физиологик ва ёш хусусиятларига мос келадиган ишларда фойдаланиш учун, шунингдек уларнинг касб маҳоратини такомиллаштириш, ишда юқорироқ лавозимга кўтарилиш ҳамда жамият турмуш фаолиятининг барча соҳаларида фаол иштирок этиш учун реал шарт-шароитларни яратиш зарур деб топилсин;

2) СССР Министрлар Совети ВЦСПС билан биргаликда 1990—1991 йилларда:

аёллар, ёши 18 га етмаган шахслар ва меҳнат қобилияти чекланган шахслар меҳнатидан оқилона фойдаланишдан бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотнинг манфаатдорлигини ошириш чораларини ишлаб чиқишни;

юк кўтариш ва ташиш чоғида аёллар ва балоғатга етмаганлар учун илмий асосланган нормативларга мувофиқ йўл қўйиш мумкин бўлган оғирликнинг янги нормаларини ишлаб чиқишни;

аёллар ва ўсмирлар меҳнатининг қўлланилиши тақиқланадиган меҳнат шароити оғир ва зарарли ишлаб чиқариш, касблар ва ишлар рўйхатини қайта кўриб чиқиб, уларни фарзанд кўрадиган ёшдаги аёлларни жалб этиш лозим бўлмаган иш турлари билан тўлдириш;

аёлларнинг тунги меҳнати унча зарур бўлмаган халқ хўжалиги тармоқларини, ишлаб чиқариш ва ишларни белгилаб қўйишни ва шунга мувофиқ равишда биринчи навбатда тунги меҳнатдан 14 ёшга тўлмаган болалари ёки 16 ёшгача ногирон болалари бўлган аёлларни озод қилиб қўйишни кўзда тутиб, аёлларни тунги сменадан озод қилишнинг конкрет муддатлари ва тартибини белгилаб қўйишни;

ходимларнинг руҳий-физиологик, ёш хусусиятларини ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олиб ҳамда асосан аёллар, меҳнат қобилияти чекланган шахслар ва балоғатга етмаганлар шуғулланадиган ишлар ва касбларнинг тахминий рўйхатини ҳисобга олиб, иш жойларини таснифлаш учун мезонларни ишлаб чиқишни;

меҳнат статистика ҳисоботи шаклини жорий этишни, иш билан таъминланиш, ходимларнинг тоифалари, меҳнатни ташкил этиш шакли ва шароити, касалланиш, жароҳат олиш ва уларнинг сабаблари кўрсаткичларида аёллар ва ўн саккизга тўлмаган ёшлар учун алоҳида сатрни ажратиб кўрсатишни таъминласин.

10. Тамаки ва пахта етиштиришга доир ишлар аёллар ва болаларнинг саломатлигига зарарли таъсир қилишининг олдини олиш мақсадида иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига тамаки ва пахтани териш ва дастлабки қайта ишлашнинг безарар технологияларини, меҳнатни ташкил этишнинг тегишли шакллари ва шартларини ишлаб чиқиш ва жорий этишни топшириш зарур деб ҳисобласин.

11. Ҳомиладор аёлларни ноқулай ишлаб чиқариш омиллари таъсирини истисно этадиган бошқа, тағин ҳам енгилроқ ишга ўз вақтида ўтказишни таъминлаш учун:

1) бирлашмалар, корхоналар, ташкилотларнинг раҳбарлари касаба союз комитетлари, санитария назорати органлари билан биргаликда ҳамда хотин-қизларнинг жамоат ташкилотлари иштирокида тиббий талабларга мувофиқ равишда ҳомиладор аёллар ўтказилиши мумкин бўлган ёки улар уйда бажара оладиган иш турларини ва иш жойларини белгиласинлар, шунингдек уларнинг меҳнатидан фойдаланиш учун махсус цехлар (участкалар) барпо этсинлар ёки шу мақсадда улушбай асосида ишлаб чиқариш ва цехлар барпо этсинлар;

2) белгилаб қўйилсинки, тиббий хулосага мувофиқ ҳомиладор аёлни ишга оқилона жойлаштириш масаласи ҳал этилгунга қадар у бунинг оқибатида ишдан қолган кунлари учун корхона, муассаса, ташкилот маблағи ҳисобидан ўртача иш ҳақини сақлаб қолган ҳолда ишдан озод қилиб қўйилиши керак.

12. Аёллар ва болаларнинг саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш манфаатларини кўзлаб:

1) СССР Давлат план комитети ва СССР Молия министрлиги болалар ҳамда туғруққа ёрдам берувчи даволаш-профилактика муассасаларининг янги турларини қуриш ва жиҳозлаш учун; биопрепаратлар, вакциналар, болалар овқати учун ишлатиладиган маҳсулотлар, болалар учун дори-дармонлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун четдан технология ускуналари сотиб олишга; болалар овқати маҳсулотини, шу жумладан шифобахш маҳсулотларни, ҳомиланинг олдини олиш воситаларини аҳоли эҳтиёжларини тўла қондирадиган даражада, Ватанимизда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни ҳам ҳисобга олиб харид қилиш учун 1991-1992 йилларда қўшимча валюта маблағлари ажратишни кўзда тутсинлар;

2) СССР Министрлар Совети ва иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари туғуруққа ёрдамлашиш ва болалар муассасалари учун даволаш-диагностика аппаратлари ва асбоблари, ногирон болалар учун саломатликни тиклаш ва протезлаш воситалари ишлаб чиқариш юзасидан чет эл фирмалари ва ташкилотлари билан қўшма корхоналар барпо этишга имтиёзли шароитни таъминласинлар;

3) СССР Министрлар Советининг озиқ-овқат маҳсулотлари ва харид давлат комиссияси ўн учинчи беш йиллик бошига қадар қишлоқ хўжалик корхоналарининг экологик жиҳатдан безарар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, биринчи навбатда ёш болалар ва ҳомиладор аёллар учун маҳсулотлар етиштиришдан иқтисодий манфаатдорлигини кучайтириш механизмини ишлаб чиқсин.

13. СССР Министрлар Советига амалдаги қонунларга ушбу қарорлардан келиб чиқадиган ўзгартишларни киритиш ҳақида олти ой муддатда СССР Олий Советига таклифлар киритиш топширилсин.

14. Ушбу қарорнинг 1, 4, 5-моддалари ва 8-модданинг 4-банди 1991 йил 1 январдан кучга киритилсин.

15. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиб бориш СССР Олий Советининг хотин-қизлар, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ишлари комитетига, СССР Олий Советининг фан, халқ таълими, маданият ва тарбия комитетига ҳамда СССР Олий Советининг халқ саломатлигини сақлаш комитетига юклатилсин.

СССР Олий Советининг Раиси

А. ЛУКЬЯНОВ.

Москва, Кремль.
1990 йил 10 апрель.

«Қизил шанбалик» тараддуди

ИШЧИЛАР ҲИССАСИ

Урганч пахта тозалаш заводи коллективи В. И. Ленин туғилган куннинг 120 йиллигига бағишланган Коммунистик шанбаликда эллик беш тонна юқори сифатли тола ишлаб чиқаради. Маҳсулотнинг ҳаммаси йил бошидан тежалган электр энергия ҳисобига қайта ишланади.

Корхона ҳовлисини кўкаламзорлаштириш юзасидан ҳам катта ишлар режалаштирилган. Бу режалар ҳозирнинг ўзидаёқ амалга оширила бошланди. Заводнинг кўп ходимлари шанбалик ҳисобидан тайёрлов пунктлари атрофидаги ерларга мевали ва манзарали дарахт кўчатларини ўтказдилар, илгари бўш ётган майдонларни тозалаб, маккажўхори ва беда экдилар.

ҲАЙДОВЧИЛАР АҲДИ

«Совавто-Термиз» автотранспорт корхонасининг коллективи байналмилалчи жангчиларга Термизда бунёд этилаётган ёдгорлик учун Ленин шанбалигида ишлаб топилган барча маблағларни ўтказадиган бўлди. Бу ерда Афғонистонда ҳалок бўлган термизлик байналмилал жангчи Николай Цуранов аъзо бўлган Собир Исаев бошлиқ ҳайдовчилар бригадаси ташаббус кўрсатди. Халқаро йўлларда юк ташувчи машиналарнинг ҳайдовчилари ҳам улардан ўрнак олиб, ўзларининг бир кунлик маошларини шанбалик ҳисобига ўтказишга қарор қилдилар. Бу ҳайдовчилар 21 апрель куни қўшни мамлакат халқи учун юклар ортилган машиналарни Афғонистоннинг Ҳайратон ва Мозори Шариф шаҳарларига ҳайдайдилар.

Ремонтчилар ўз иш жойларида меҳнат қилишади. Улар иккита шатакчини ва саккизта ярим тиркамаларни қайта тиклашни режалаштирганлар. Корхонанинг кўп меҳнаткашлари автомобилчилар дам олиш зонаси жойлашган Учқизил сув омборига жўнаб кетадилар. Улар бинони ремонт қиладилар, дам олиш зонасини ободонлаштирадилар.

КОЛЛЕКТИВ ЭҲТИЕЖИГА САРФЛАНАДИ

Хива гиламчилик бирлашмасида В. И. Ленин таваллудининг 120 йиллигига бағишланган шанбаликда икки мингдан ортиқ гиламдўз қатнашади. 21 апрель куни юксак меҳнат унумдорлигига эришиш мўлжалланмоқда. Корхона коллективи олти минг квадрат метрдан кўпроқ гилам буюмлари ва ўн тоннага яқин калава ишлаб чиқаришга қарор қилди.

Шанбаликда ишлаб топилган пул уй-жой қуриш, шунингдек болалар комбинатининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, спорт иншоотлари, ошхона барпо этиш учун сарфланадиган бўлди.



Раҳим Нурматов номини нафақат «Ленинград» колхозида, балки Қўшкўпир районида ҳам кўпчилик ҳурмат билан тилга олади. Бу бежиз эмас. Унинг ташаббуси билан 70 гектар шўрхок, ташландиқ ерда бунёд этилган боғдан тўртинчи йилиёқ гектар ҳисобига қарийб 130 центнердан турфа хил дармондори неъматлар йиғиштириб олинди. Мазкур боғ яна тўрт гектарга кенгаймоқда. У ерга унутилиб кетаётган мевали дарахт ниҳоллари ўтказилади.

СУРАТЛАРДА: 1. Уста боғбон Р. Нурматов. 2. Ўрик гуллари.

Б. АЛИМОВ олган суратлар.

ТАБИАТ ВА ИНСОН

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»— КОНКУРС ҒОЛИБИ

Ўзбекистон табиатни муҳофаза қилиш жамияти республика кенгашининг ҳайъати ва Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси правлениеси «Табиат ва инсон» шиори остида 1989 йил январь ойидан бошланган конкурсни якунладилар. Унда республика, область, шаҳар ва район газеталари, журналлар редакциялари, ЎзТАГ, табиат ҳаваскорлари қатнашдилар.

Муштарийларимизга қувонч билан хабар қиламизки, нуфузли ҳайъат Ўзбекистон табиатни муҳофаза қилиш жамиятининг биринчи мукофоти ва биринчи даражали дипломини «Қишлоқ ҳақиқати» — «Сельская правда» газетаси редакциясига беришга қарор қилди. «Правда Востока», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газеталари иккинчи даражали диплом ва мукофотлар билан тақдирландилар. «Ленин байроғи», «Ёш ленинчи» ва «Комсомолец Узбекистана» газеталарига учинчи мукофотлар берилади. ЎзТАГ, «Совет Узбекистони», «Ҳақиқати Узбекистон», «Ўқитувчилар газетаси» — «Учитель Узбекистана», «Ленин учқуни», «Пионер Востока» газеталари редакциялари рағбатлантирувчи мукофотларга сазовор бўлдилар.

Журналлар редакциялари ўртасида биринчи мукофот «Экономика и жизнь» журналига, иккинчи мукофот «Фан ва турмуш», «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» — «Сельское хозяйство Узбекистана» журналларига, учинчи мукофотлар, эса «Муштум» ва «Гулхан» коллективларига берилди.

«Ташкентская правда» ва «Советская Бухара» газеталари коллективлари область газеталари ўртасида биринчи мукофотлар ва биринчи даражали дипломларга, «Наманган ҳақиқати», «Қашқадарьинская правда», «Хоразм ҳақиқати газеталарининг редакциялари иккинчи мукофотларга, «Сырдарьинская правда», «Тошкент ҳақиқати», «Ленин байроғи» (Сурхондарё), «Хорезмская правда», «Ленин йўли» (Самарқанд) газеталари учинчи мукофотларга сазовор бўлдилар. «Коммунист» (Андижон области), «Ленинское знамя» (Сурхондарё), «Ленинский путь» (Самарқанд), «Бухоро ҳақиқати», «Ферганская правда», «Коммуна» (Фарғона) газета редакциялари рағбатлантирувчи мукофотлар ва ёрлиқлар билан тақдирланади.

«Коммунизм байроғи» (Шаҳрисабз), «Қизил тонг» (Қизилтепа) газеталарининг коллективлари район ва шаҳар газеталари ўртасида биринчи мукофотлар ва биринчи даражали дипломларни, «Меҳнат байроғи» (Янгиқўрғон), «Коммунизм тонги» (Оржоникидзе), «Коммунист» (Булунғур), «Тошкент оқшоми» газеталари иккинчи мукофотларни, «Коммунизм йўли» (Задарё), «Коммунистик меҳнат учун» — «За коммунистический труд», (Когон), — «Дўстлик байроғи» (Риштон), «Авангард» (Боғдод), «Пахтакор» (Беруний), «Ғалаба» (Китоб) газеталари учинчи мукофотлар ва учинчи даражали дипломларни оладилар.

«Оқ олтин» (Марҳамат), «Олтинсой тонги» (Олтинсой), «Ленин йўли» (Боғот), «Мўл ҳосил учун» (Қўшкўпир), «Октябрь алангаси» (Ургут), «Шонли меҳнат» (Жомбой), «Октябрь байроғи» (Ғиждувон), «Пахта учун» (Олтиариқ), «Коммунизм ғалабаси» (Тўрткўл), «Олға» (Чироқчи) газеталарининг редакцияларига рағбатлантирувчи мукофотлар ва ёрлиқлар берилади.

«Коммунистик меҳнат учун» (Олтинкўл), «Пахтакор» (Избоскан), «Социалистический Чирчик», «Ахангаран», «Ғалаба учун» (Денов), «Коммунизм тонги» (Свердлов), «Янги Фарғона» (Ленинград) газеталарининг редакциялари Ўзбекистон табиатни муҳофаза қилиш жамияти ёрлиқлари билан тақдирланди.

Шу билан бир вақтда «Табиатни муҳофаза қилиш Ватанни муҳофаза қилишдир» шиори остида энг яхши материаллар учун ҳам конкурс ўтказилди. 720 киши қатнашди. Улар конкурс ҳайъатига 900 та мақола, очерк ва лавҳаларни тақдим этдилар. «Қишлоқ ҳақиқати» — «Сельская правда» газетаси бўлим мудири В. Зименко «Қуритилган барг сири», «Орол Орол бўладими?» ва бошқа мақолалари учун Ўзбекистон табиатни муҳофаза қилиш жамиятининг биринчи мукофоти ва биринчи даражали дипломига сазовор бўлди. Ж. Холқосимов («Совет Узбекистони»), И. Нигай («Правда Востока»), Ш. Салимов («Ҳақиқати Ўзбекистон»), Б. Тошмуҳамедов («Ўзбекистон адабиёти ва санъати»), Р. Алимов («Ленин байроғи»), М. Мардиев («Ёш ленинчи»), А. Семиркин («Комсомолец Узбекистана»), А. Уличкин («Учитель Узбекистана»), Ж. Жабборов («Ленин учқуни»), Г. Власова («Пионер Востока») ҳам ана шундай мукофотни оладилар.

Газетамиз ходимлари ва муаллифлари Е. Травас, Б. Баҳриддинов ва Э. Чембарисов иккинчи мукофотлар ва иккинчи даражали дипломлар билан, Б. Батунская, Т. Солиев ва О. Максимова учинчи мукофот билан тақдирландилар.

Конкурс натижалари биз, «Қишлоқ ҳақиқати» — «Сельская правда» газетаси ходимларини, сиз, қадрли муштарийларимиз ва муаллифларимизни бениҳоя қувонтириши турган гап. Сизлар ана шу ижодий мусобақада қозонилган ғалабага муносиб ҳисса қўшдингиз. Бу ютуқ билан сизларни чин юракдан табриклаймиз. Келгусида ҳам Ўзбекистон ҳайвонот ва наботот оламини муҳофаза қилиш масалаларига алоҳида эътибор бериш, атроф муҳитининг мусаффо ва беғубор бўлиши учун курашда фаол қатнашишга ваъда берамиз. Сизларни ҳам ана шу ҳайрли ишда иштирок этишга чақирамиз. Бир ёқадан бош чиқарганимиздагина, Ўзбекистон табиатини яхши муҳофаза қилиш ва келажак авлодларга мерос қилиб қолдиришга эришамиз.

ОНА-ВАТАН БАҒРИДА

Афғонистоннинг жафокаш зиминида оппозициячилар қўлига асир тушиб, тўрт йилдан кўпроқ вақтини ўтказган 22 ёшли Алексей Тихоновнинг бошига тушган не-не балолар ва кулфатларнинг чеки йўқ. Энди у асирликда кечган кунларидаги воқеаларни дашҳатли туш сингари эслаб юради.

12 апрель куни жиззахлик йигит она Ўзбекистон заминига қадам қўйди. Уни кутиб олган отасининг қувончини, кўзлари ёшга тўла онасининг нақадар бахтли онларни кечираётганлигини сўз билан ифодалаш қийин. Онага Кобул шаҳрига бориш ва жигаргўшаси Алексей билан биргаликда қайтиб келишга имконият яратдилар. Уйда эса уни икки синглиси ва укаси тоқатсизлик билан кутишмоқда.

А. Тихоновни 1985 йилда армияга чақирдилар. Ярим йил ўқиганидан сўнг, Афғонистонга, урушга юбордилар. Бугун у бизнинг уруш бўлмаганлигини ҳамма билади. Лекин ўшанда нима қилиш мумкин эди? Фақат буйруқларни бажариш шарт эди. Бўлима топшириқни бажарганн кетганида, эндигина оғир хасталикни бошидан кечирган А. Тихоновга шу ерда қолиб, техникани қўриқлашни топширдилар. У ўз постини эгаллади. Ўртоқлари қайтиб келганида йигит жойида йўқ эди, роса қидиришди, лекин ҳеч қандай натижа бўлмади. Жиззахга «бедарак йўқолди...» деган хабар юборилди.

Бундай хабарга қайси отаона ишонарди, дейсиз. Ахир одам изсиз йўқолиши мумкин эмаску. Тихоновларнинг ёзмаган жойи қолмади: халқаро Қизил Крест жамияти ва ВЦСПС, ўшанда ишлаб турган «Умид» комитети ва ҳарбий асирлар оилаларининг Бутуниттифоқ уюшмасига неча марталаб мурожаат қилишди. Солдатнинг отаси Рольт Степанович Тихоновнинг айтишига қараганда, уларнинг хатлари бирор марта ҳам жавобсиз қолмаган, фарзандларини ҳамма бир ёқадан бош чиқариб қидиришга киришган. Юзлаб кишилар, ушбу оилага нотаниш одамлар оз бўлсада аҳволни аниқлашга, бошига кулфат тушган одамларга ёрдам беришга кўп куч-ғайрат сарфладилар.

Ўзбекистон жамоат ташкилотлари ва расмий муассасалари ҳам ана шу ҳайрли ишга киришдилар. Республика Қизил Ярим ой жамиятининг ташаббуси билан бу ерда ҳарбий асирларни озод қилишга кўмаклашувчи мувофиқлаштирувчи кенгаш тузилди. Кенгашга бир неча министрликлар, Туркистон ҳарбий округи сиёсий бошқармаси, Совет тинчликни ҳимоя қилиш комитети республика бўлими, «Ватан» жамияти ва диндорларнинг вакиллари киришди.

Кенгашнинг иши қай даражада мураккаблиги хусусида Ўзбекистон ССР Қизил Ярим ой жамияти марказий комитетининг раиси О. Т. Воҳидова шундай деди:

— Ҳатто асирга тушган жангчиларнинг номини ва уларнинг қаерда турганлигини аниқлаш ниҳоятда қийин. — Бизга ҳеч ким бу ҳақда хабар бермайди. Боз устига, ҳозир бедарак йўқолганлар уч юз кишидан кўпроқ эканлиги маълум. Асирга тушганлар билан учрашиш учун 80-йилларнинг бошларидан бери ҳаракат қилиб келинади, совет вакилларимиз ана шу даврда атиги олти нафар йигитимиз билан учрашишга муваффақ бўлдилар. Шундай бўлса ҳам аскарларимизни озод қилиш йўлларини тинмай излайверамиз, токи улардан биттаси ҳам ўзга юртларда азоб чекмасин.

(ЎзТАГ).

Муаммо кўндаланг қўйилади

ЁНИЛҒИ СИФАТИ ЯХШИЛАНАДИМИ?

Маълумки, бугунги кунда ёнилғининг сифати ҳеч кимни қониқтирмаяпти. Айниқса, бензин ҳақида норозиликлар, шикоятлар кўп. Аслида бу гапларда жон бор. Сир эмас: ёнилғи таъминоти корхоналарида ва уларнинг шохобчаларида бензин сифатини бузиш ҳоллари ҳали ҳам давом этаяпти. Тармоқда шундай қўли эгри, нопок шахслар борки, улар ёнилғини тошу тарозидан уриш у ёқда турсин, сифатини бузиб сотишни ҳам канда қилмаяптилар. Бу транспорт воситаларининг бузилишига сабаб бўлишини ўйламаяптилар ҳам.

Жумҳурият халқ хўжалигини ёнилғи-мой билан таъминлашга даъват этилган Ўзбекистон ССР Ермой маҳсулотлари таъминоти давлат маҳкамаси сифат учун бевосита жавобгардир. Лекин бу ерда амалга оширилаётган ишлар кутилган самарани бермаяпти. Тармоқда сифатбузарлик, эгрилик ҳоллари авж олса олаяптики, камаймаяпти. Бу борада жумҳурият ермой назорати давлат бош бошқармасининг ҳам маълум даражада айби бор. Мазкур ташкилот текширувлар самарадорлигини оширишга эришмаяпти. Ермой маҳсулотларидан фойдаланиш назорат остида бўлса-да, аммо сифат масаласи эътибордан четда. Кейинчалик уни назоратга олиш бўйича қатор тадбирлар амалга оширилди, бўлинмалар фаолияти қайтадан ташкил этилди. Бу ишнинг бошланиши, дастлабки қадамлардир.

Хўш, ермой маҳсулотлари сифатининг бузилишига қандай қилиб чек қўйиш мумкин? Текширув самарадорлигини ошириш имкониятлари борми? Куни кеча Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, жумҳурият халқ назорати комитети ва Давлат стандарти, прокуратура, ички ишлар ходимлари ва мутахассислар иштирокида ўтказилган семинар-кенгашда шу ҳақда фикрлашиб олинди. Унда Ўзбекистон ССР Ермой маҳсулотлари таъминоти давлат маҳкамасининг раиси Е. Мўминов ишнинг ниҳоятда қониқарсизлиги, рўй бераётган сифатбузарликлар ва уларнинг олдини олиш чоралари тўғрисида гапирди.

Ўзбекистон ССР ермой назорати давлат бош бошқармасининг бошлиғи Ф. Иброҳимов бевосита таъминотчи корхоналарда маҳсулотларнинг аралашиб кетишига йўл қўйилаётганлиги, сиғимлар эса чўкиндилардан йиллаб тозаланмаслиги, бир машинада турли маҳсулот ташилаётгани, назорат лабораторияларининг фаолияти қониқарсизлигини қайд қилди. Нотиқ бу борадаги ишларни яхшилаш, тармоқ ва унинг бўлинмаларида тартиб ўрнатиш юзасидан қатор фикрларни ўртага ташлади.

— Эндиликда фақат текшириш билангина чекланиб қолмаймиз, — деди у. — Жойларнинг ўзида кўчма лабораторияларда маҳсулотлар сифатини аниқлаб, зарур чораларни кўрамиз.

Давлат стандарти вакили С. Жебровский сифатбузарлик ҳоллатларини келтириб чиқараётган сабаблар, ўлчов асбоб-ускуналарининг 13 — 15 фоизи яроқсизлиги, маҳсулот сифатига кафолат берадиган сертификаторлардан фойдаланишни жорий этиш зарурлигини таъкидлади.

Тошкент шаҳар УБХСС ходимлари А. Анваров ва О. Расулов ёнилғи қуйиш жойларида алмаштириладиган мотор мойларининг сифати текширилмаслиги, шунингдек, уларни тарқатишдаги қаллобликлар, давлат бензини шахсий машина эгаларига бемалол сотилаётганлиги тўғрисида қуюниб гапирдилар.

Жумҳурият халқ назорати комитетининг бўлим мудири М. Иноятов фақат текширишни кучайтириш билангина қўзланган мақсадга эришиб бўлмаслиги, биринчи галда ўғирлик ва сифатбузарликни келтириб чиқараётган сабабларни бартараф этиш, жойларда тартиб-интизомни мустаҳкамлаш лозимлиги, бевосита ёнилғи тарқатувчиларнинг ҳаллолвиждонан ишлаши учун имкониятлар яратиш тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Табиийки, ёнилғи сифати, турли бузғунчиликларнинг олдини олиш кўпгина масалаларга боғлиқ. Бизнингча, бу йўналишда мунтазам, доимий, изчил иш олиб бориш, зарур ҳоллларда қатъиятлик кўрсатиш даркор. Бу борада янгидан ташкил этилиб, катта имтиёзларга эга бўлган Ўзбекистон ССР ермой назорати давлат бош бошқармаси алоҳида ўрин тутиши керак. Ташкилот халқ хўжалиги, аҳоли манфаатининг ҳимоячиси, ёрдамчиси бўлиши лозим.

Семинар-кенгаш ниҳоясида бу борада иттифоқдош жумҳуриятларда тўпланган тажрибалар ўртоқлашилди, маҳсулот сифатини яхшилаш юзасидан тавсияномалар ишлаб чиқилди.

С. САЛИМОВ,
Ўзбекистон ССР ермой назорати давлат бош бошқармасининг етакчи назоратчиси.

БИР ПИЁЛА ЧОЙ БАҲОДА

Дам олиш саҳифаси

Буюк Ғалабанинг 45 йиллигига

САДОҚАТ РАМЗИ

Айни пишиқчилик палласи. Бошқа тенгқурлари қатори Зиё ҳам мактабни битириш имтиҳонларига тайёргарлик кўраётганди. Дарс тайёрлашдан толиқиб ,тут териб ейиш учун дарахт шохига чиқди. Шу пайт кўчада шошилиб кетаётган аёлга кўзи тушди.

— Уруш, уруш бошланибди, — деди аёл ўксиниб.

Зиё дарахтдан сакраб тушиб, мактаб томонга югуриб кетди. У ерда тумонот одам йиғилганди...

Сентябрда унга ҳам чақирув қоғози келди. Зиё Самарқандда тузилган алоҳида ўзбек бригадаси сафига қабул қилинди. Уни разведкачилар ротасига юборишди. Тинимсиз машқлар давом этди. Сўнгра у 855-гвардиячи полкнинг разведкачилар взводида жангга кирди. Зиё ўзининг тиришқоқлиги, эпчиллиги билан тезда қуроллдошлари назарига тушди. Рота командири катта лейтенант Н. Дадажоновнинг тавсиясига кўра, бўлинма командири қилиб тайинланди. Зиё бўлинмасидаги тамбовлик рус йигити Григорий Попов билан дўстлашиб қолди.

1942 йил декабрь ойининг охирлари эди. Зиё хизмат қилаётган қисм Ворошиловград йўналишида фронтнинг олдинги чизиғида турарди. Фашистлар миномётлардан узлуксиз ўқ ёғдиришарди. Шунда Григорий дўстига маслаҳат солди:

— Ўртоқ сержант, фашистлар ғирт мастга ўхшайди. Рухсат этинг, душман миномётини йўқ қиламан.

Григорий ҳамлага тайёрланди. Унинг жасурлиги, мардлиги туфайли душман кўкка совурилди, ажал ёғдираётган миномётлар мажақлаб ташланди.

Ғалдаги жангларнинг бирида Зиё Бобомуродовга душманнинг пулемёт нуқталарини аниқлаш ва уни яксон қилиш топширилди. Сержант бир неча кишидан иборат гуруҳга бош бўлиб, разведкага жўнади. Топшириқ муваффақиятли адо этилгач Зиё Бобомуродов «Жасурлиги учун» медали билан мукофотланди.

Ўзбек йигити З. Бобомуродов билан рус ўғлони Г. Поповнинг жанговар дўстлиги тобора мустаҳкамланиб борди. Бир куни Григорий суҳбат асносида Зиёга деди:

— Урушда, Зиё, айтиб бўладими, қай биримиз ҳалок бўлсак, дўст номини юракда мангу сақлаймиз.

— Йўқ, исмимизни дўст номи билан аташимиз керак. Бир умр ёнма-ён, сирдошу суҳбатдош бўлиб қолишимиз керак.

Ворошиловград учун олиб борилган олишувларда Григорий Попов мардларча ҳалок бўлди. Жангдан сўнг Зиё старшинага «Менга Григорий номига ёзилган аскарлик дафтарчасини беринг, бугундан бошлаб Григорий бўлиб яшайман» деди. Шундан сўнг Зиё Бобомуродов дўстининг хотирасига садоқат рамзи сифатида Григорий Бобомуродов бўлиб қолди.

У яна кўпгина жангларда қатнашди, ярадор бўлди. Бугун кўксини безаб турган жанговар медаллар, у авайлаб-асраб сақлаётган ҳужжатлар Зиёнинг ўзига хос жасорати ҳақида ҳикоя қилади.

Г. Бобомуродов қадрдон гўшасига — Самарқанд районидаги «Москва» колхозига ғолиб қайтди. Тинч қурилиш йилларида ҳам у ғайрат-шижоат билан меҳнат қилди. Умрдоши Ҳайринисо билан олти фарзандни тарбиялаб, вояга етказди.

Ҳозир у пенсияда. Шогирдларига, ёшларга совет кишиларининг оловли йиллардаги матонати, қуроллдошлари, айниқса дўсти Григорий Поповнинг жасорати ҳақида тўлқинланиб ҳикоя қилади.

Р. ҲУСНИДДИНОВ.

Қузой момо Раҳматова Қамашн районидаги «СССР 50 йиллиги» колхозида яшайди. Уни Қашқадарё воҳасининг энг кекса аёли десак, хато бўлмас. Онахон бу йил 110 ёшга кирди.

Ўзининг бир асрдан знёд умрида у кўп воқеаларни кўрди, 17 нафар фарзандидан 10 нафари очарчилик йилларида, 2 ўғли Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлди.

Ҳозир унинг 450 набира, чевара, эвара, дувара ва «бегона»лари бор. Лекин онахон ҳали бардам-бақувват.

СУРАТДА: Қузой момо фарзандлари — катта қизи, 96 яшар Парда ая, кичик қизи, 78 яшар Чучук ая ҳамда ўғиллари (72 ва 62 яшар) билан.

П. ЭРГАШЕВ олган сурат.

Номлар тарихи

СУЛУВ МОМО ЭРТАГИ

Қизилқум саҳроси қоқ марказидаги Томдибулоқ овули шундоққина Оқтов тоғи этагида. Довруғи бутун мамлакатга таралган халқ академиги, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Жабай Балимановга ўхшаш чорвадорлар ўлкаси ҳисобланган Томди ўзининг шакаргуфтор оқину бахшилари, шоиру ёзувчилари билан ҳам машҳур.

Сулув момо ҳам ана шундайлардан. Халқ афсоналари, эртак ва ривоятларини ёшларга ҳикоя қилиб бериш бир асрлик ёшини қаршилаётган момонинг жон-дили. Яқинда Сулув момо ҳузурига борганимизда, табаррук зотнинг неваралари Томди райони маркази Томдибулоқ овули ҳақида эртак айтиб бераётганлигининг гувоҳи бўлдик.

Мана, ўша эртак.

Қадим-қадим замонларда, Қизилқум деган томонларда Ажарбой деган киши бор экан. Унинг яккаю ягона Қалдирғоч исмли қизи бўлган экан. У беҳад гўзал, барно, ақлли экан. Аммо йигит зотини сира-сира ёқтирмас, турмушга чиқиш ҳақида ҳатто эшитгиси ҳам келмас экан. Мол-дунёсининг ҳисобини билмаган қанчадан-қанча бойваччалар Қалдирғочнинг висолига етолмай доғда эканлар.

Бир куни Ажарбой уни ёнига таклиф қилиб, маслаҳат солибди.

— Қизим, — дебди бой, — мен ҳам, онанг ҳам кексайиб қолдик. Сендан бошқа фарзандимиз ҳам, суянчиғимиз ҳам йўқ. Кўзимиз очиқлигида сенинг тўйингни кўрсак, деган ниятимиз бор.

Қалдирғоч ўйга толибди. Узоқ сукутдан сўнг:

— Розиман, лекин бир шартим бор, — дебди.

— Ҳар қандай шартинг бўлса эшитай, жон қизим, —дебди бой.

Қалдирғоч отасига шундай дебди:

— Бутун овулга, майли бутун Қизилқум саҳросига жар солинг: кимки бориб Сайхун дарёсидан сув келтира олса, унинг ҳаётбахш суви билан овулимиз одамларининг чанқоғини қондира билса, ўша баходирга турмушга чиқаман.

Ажарбой тўрт тарафга жарчи жўнатибди. Бироқ манман деган бойваччалар ҳам Қалдирғочнинг шартини бажаришга журъат этолмабдилар. Оқтов ён бағирларида қўй боқиб юрган Аймек исмли чўпон бу гапни эшитиб, ўз бахтини синаш мақсадида йўлга тушибди. Бутун овул Аймекка оқ йўл тилаб қолибди.

Аймек йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди. Қанча тоғ, қанча қир, қум барханларидан ўтиб, ниҳоят Сайхун дарёси бўйига етибди. Қўлидаги мешни зилол сувга тўлдириб, изига қайтибди. Унинг юраги ҳаприқар, иложи бўлса тезроқ мақсадга етсам, деркан. Шу ниятда на кундузи ва на кечаси дам оларкан.

Кунлар ўтиб бориши билан масофа ҳам қисқараверибди. Лекин мешдаги сув ҳам кун сайин озайиб бораркан. Бу эса Аймекнинг ташвишига ташвиш қўшаркан. У иложи борича мешдаги сувни асраб-авайлашга интилиб, ҳатто ўзи чанқаса ҳамки, ундан бир қултум ичмабди.

Афсус, минг афсус... Манзилга етай-етай деганда югуриб бораётган Аймек депсиниб кетибди-ю елкасидаги меш учиб тушиб, икки бўлак бўлибди. (Қизилқум саҳроси бағридаги бу жой ҳозир «Сув кетди» деб аталади).

Аймек эзилибди, қон йиғлабди. Аммо тақдирига тан берибди-ю мешда қолган озгина сувни эзозлаб, яна йўлга равона бўлибди.

У овулга етгач, бўлган воқеани айтиб бериб, мешни тўнтарибди. Буни қарангки, мешдан атиги бир томчигина сув томиб тупроққа сингиб кетибди.

Одамлар чўпон йигитга раҳмлари келганча тарқалибдилар. Эрта тонг билан эса улар Аймекнинг ҳолидан хабар олишга келиб, содир бўлган мўъжизадан ёқа ушлашибди. Мешдан тўкилиб тупроққа сингиб кетган томчи ўрнидан каттакон булоқ мавжланиб оқмоқда эди. Булоқ бўйида эса бир-бирига чирмашган иккита чинор кўкка бўй чўзган.

Айтишларича, ўша оқшом Қалдирғоч ўз канизаклари билан Аймекни кўргани келган эмиш. Унинг нигоҳи шарқираб оқаётган булоққа ва булоқ бўйида чинорга айланиб қолган Аймекка тушибди. Шунда қиз:

— Элу юрти учун оби ҳаёт келтирган йигитга жоним фидо бўлсин, — дея дарахтни қучоқлаб йиғлабди. Шу он Қалдирғоч ҳам канизаклари кўзи ўнгида чинорга мангу чирмашиб қолибди.

Қалдирғоч билан Аймек яшаган овул ана ўшандан буён Томдибулоқ деб аталар экан. Овул марказидаги чашма ҳозир ҳам одамларга, теварак атрофга ҳаёт бағишлаб турибди. Бир-бирига чирмашган икки дарахт ҳам ҳануз ям-яшил.

Қиссадан ҳисса шуки, халқ бахт-иқболи йўлида жон фидо қилганлар халқ қалбида абадий яшайди.

У. САТТОРОВ,
Қизилтепа райони.

Назм дафтаридан

НАВБАҲОР

Гул, чечакни аста етаклаб,
Ялпизларни этак-этаклаб,
Новдаларга теккизганча лаб,
Назокатли гўзал ёр келди,
Бизни йўқлаб навбаҳор
келди.
Боғи-роғлар қилди пардозин,
Қумри, булбул :озлади
созин,
Ғунчаларга шивирлаб розин,
Назокатли гўзал ёр келди,
Бизни йўқлаб навбаҳор
келди.
Шалолалар шилдираб қолди,
Мовий осмон гулдираб
қолди,
Ошиқ кунглим довдираб
қолди,
Назокатли гўзал ёр келди,
Бизни йўқлаб навбаҳор
келди.
Гул бошига қўйди тугунча,
Элга хизмат қилар сўлгунча
Ибо билан кузатар ғунча,
Назокатли гўзал ёр келди,
Бизни йўқлаб навбаҳор
келди.
Майсазорда яйрайди жоним,
Томиримда гупирар қоним,
Чунки Мирзо соғинган
оним —
Назокатли гўзал ёр келди,
Бизни йўқлаб навбаҳор
келди.

ОЛОВЛИ ҚАЛБ

Оламда қуёш бўлмаса,
тун кун бўла олмас,
Қалбингда олов ёнмаса,
бутун бўла олмас.
Кўнглингда саховат тўладур,
оқмаса бекор,
Кўз юмса булоқ «Сир» ила
«Жайҳун» бўла олмас.
Одамки ҳаёт уммонида
сузмаса илдам,
Кўлмакда қолур жўшмаса,
тўлқин бўла олмас.
Ҳар кимса меҳр қўймаса,
эл-юртига ҳаргиз,
Беруний каби дунёга
устун бўла олмас.
Лоф урса киши ёрга
вафодор бўламан деб,
Куйдирмаса жон Фарҳоду
Мажнун бўла олмас.
Ҳар неки дединг қадрига
эл етмаса Мирзо,
Озарда яшаб Самади
Вурғун бўла олмас.

Қобил МИРЗО.

КАРОМАТЧИ

ҲАЖВИЯ

— Ҳой қўшни, анави бошига шляпа қийиб юрадиган мулла бор-у, ўшанинг нафаси ўткир эмиш. Кеча-чи, у ҳамма хотин-халажни бир жойга йиғиб, ўртага сув тўла чойнакни келтириб қўйибди. Сўнгра унинг атрофини айланиб, бир неча маротаба куф-суфлаган экан, чойнак биқирлаб қайнай бошлабди.

— Ё тавба, ростдан-а?

— Вой, ишонаверинг, ўз кўзи билан кўрганлар айтишди.

Бундан бутун санаторийда дам олаётганлар дарҳол хабар топишди. Миш-миш дақиқа сайин кўпчий бошлади. Ҳатто, кароматчи ётган хона олдида илонизидай тизилган одамлар пайдо бўлишди. Навбатда турганларни қабул қилишдан тоқати тоқ бўлган мулла хонаси эшигини очди-да, деди:

— Кечқурун соат саккизда ҳовлига чиқинглар, ўша жойда нимага қодир эканлигимни биласизлар. Ҳа, айтмоқчи, ҳар ким кўнглидан чиқарган нарсасини олиб борсин, савоб иш бўлади.

Айтилган вақтда дам олувчилар ҳовлида жамул-жам бўлишди. Орадан ярим соат вақт ўтгач, мулла икки қўлини чўнтагига тиқиб ғоз юрганча одамлар орасига кириб келди. Ҳамма ҳайратомуз уни ўраб олди. Нафаси ўткир мулла йиғилганларга деди:

— Келтирган хайр-эҳсонларингизни мана бу рўмолчага ташланглар.

— Пул берсак ҳам бўладими? — сўради орқароқда турган хотинлардан бири.

— Пул—савоб. Чит-питдан аъло!

Йиғилганлар ўртага ёзилган рўмолчага пул, чит, қовун, тарвуз келтириб қўя бошлашди. Хаш-паш дегунча рўмол хайр-эҳсонлар остида кўринмай қолди. Мулла ўртага тушган ўлжаларни синчковлик билан кўздан кечириб чиқди ва қўлидаги сув тўла чойнакни қоқ ўртага келтириб қўйди.

— Шуни айтиб қўяйки, хайр-эҳсон бермаганлар бу даврани эгалламасинлар. Нафасим ўткир, бир кор-ҳол рўй бериб, йиқилиб, ҳушидан кетиб қолиши мумкин.

Мулланинг бу гапидан сўнг яна ўн нафарча киши ўртага пул ташлади. Кўнгли жойига тушган кароматчи белини маҳкам боғлади-да, ишга киришди.

— Куф-суф!

У шундай дея сув тўла чойнак атрофини гир-гир айланишга тушди. Шу заҳоти чойнакдаги сув биқирлаб қайнай бошлади.

— Ё тавба, анавини қаранглар, қайнаяпти, — дея ёқасини ушлади хотинлардан бири.

Бошқалар ҳам унинг кароматидан сеҳрланиб, ўзларини бўғгудек ёқаларига ёпишишди. Баъзиларнинг кўзлари олайиб, йиқилиб қолишди. Мулла ўртага тушган нарсаларни тезгина йиғиштирди-да, ҳамон тўхтовсиз қайнаётган чойнакни қўлига олганча кўздан ғойиб бўлди.

Эртасига бригада қурувчилари пайвандлаш учун келтирилган қальций карбидни топишолмай кун бўйи ишсиз ўтиришди.

Худойберган ЖАББОРОВ.

ЎҚИНГ, ҚИЗИҚ!

ҚАНОТЛИ ДАСТЕР

Ҳиндистоннинг Орисса штатида расмий хат-хабарлар алоқачи каптарлар ёрдамида амалга оширилади, деган шов-шув парламентда алоҳида тушунтириш беришни талаб қилди. 10 та район марказида каптарлар чиндаНам хат-хабарларни эгасига етказиб бериши расмий равишда эълон қилинди. Лекин улар фақат миршаблар маҳкамаси ихтиёрида туради. Полиция махсус ўргатилган каптарлар яширин ахборотларни ишончли, тез ва ҳеч бош тортмай етказиб беришни таъминлайди, деб ҳисоблайди.

УММОНДАГИ ИНШООТ

Марокашнинг Касабланка шаҳрида дунёдаги энг катта **мачит қурилиши ниҳоясига етай деб қолди. Бу ерда бир вақтнинг ўзида 20 минг киши намоз ўқиши мумкин. Минораларининг баландлиги 172 метрни ташкил этади. Яна диққатга сазовор томони шундаки, эҳром уммонда қад кўтармоқда. Бақувват пойдевори ўн метрли тубдаги устунларга ўрнатилган. Мачитдан қуруқликка 720 метрли ғорсимон йўлак орқали ўтилади.**

СИЗ КАМСИЗ...

— Бўлғусй уйимизда нималар кам!

Йигит «оҳ» уриб деди:

— Ҳамма нарса бор. Фақат сиз камсиз, холос!

САЙЛОВ

Бир ўрмонда ҳайвонлар бошлиқ сайлашни муҳокама қилишарди.

Барча номзодлардан қусур топилаверди. Нимжон қуён шарт туриб деди:

— Ким хотининдан қўрқмаса ўша бошлиқ бўлади!

Жонзодлар ерга қараб қолишди. Қуён масалага чек қўйди:

— Демак, бошлиқни хотинлардан қўямиз, улар эркакларни ишлатишга уста бўлишади!

ХАНДАЛАР

ЛОЛА

Тоғ сайрига чиққан ўқувчи онасига деди:

— Биз-чи, тоғда полани кўрдик!

Онаси ҳайрон бўлиб:

— Синглинг ҳеч ёққа чиққани йўқ-ку! — деди.

Тўрабой АЛИЕВ.

БОШҚОТИРМА

ЧАЙНВОРД: 1. Ҳодиса, воис. 2. Қўл ёки оёқ панжаларининг қисми. 3. Оҳангдош, талаффузи ўхшаш сўзлар 4. Ўзбек эстрада ансамбли. 5. Укинч. 6. Мавританиянинг пойтахти. 7. Истак. 8. Ҳунар. 9. Фасл. 10. Колхоз раҳбари. 11. Имтиҳон. 12. Обод ер. 13. Тор йўл. 14. Қўлнинг ички яхлит қисми. 15. Томдан сув тушириш мосламаси. 16. Темир йўлда қўлланиладиган махсус арава. 17. Жуда қисқа вақт, лаҳза.

КРОССВОРД: 1. Ўзбек совет кинорежиссёри. 2. «Юлдузли тунлар», «Авлодлар довони» романларининг муаллифи. 3. Бир бўлак дала. 4. (Кўрсаткич бўйлаб) Қардош жумҳурият. 5. Миллий ифтихор. 6. З. Бобурнинг набираси. 7. Ҳўл мева тури. 8. Мадҳ, мақтов, олқиш. 9. СССР космонавт-учувчиси.

Тузувчи: Фаёз ҒАФУРОВ.



БИР ШИНГИЛ ТАБАССУМ

Камбағал мусаввир уй эгасига қараб дебди:

— Биласизми, мистер Симпсон, орадан кўп йиллар ўтгач, одамлар уйингизни кўрсатиб: «Бу ерда буюк мўйқалам соҳиби яшаган» дейишади.

— Ҳа, лекин сиз ижара ҳақини тўламасангиз, у ҳолда бу гапни эртагаёқ айтишлари мумкин.

* * *

Бош жарроҳ югуриб кетаётган беморни тўхтатиб:

— Нега операция хонасидан қочяпсиз? — деди.

— Ҳамшира: «Ваҳима қилманг, кўричак жуда осон операция» деб айтди.

— Мутлақо тўғри гап.

— Аммо ҳамшира буни менга эмас, операция қилиши керак бўлган ёш жарроҳга айтди-да.

* * *

Саҳна ортида икки актёр суҳбатлашарди:

— Янги ролингда гап кўп экан.

— Наҳотки? Ахир мен эркак ролини ўймайман-ку.

* * *

Инглиз майори хуноб бўлиб, лейтенантни койирди:

— Менга айтишдики, сиз бугун казармага тонгга яқин ғирт маст ҳолда қандайдир аравани итариб келган эмишсиз. Беш кунга қамоққа олиндингиз!

— Эшитаман, сэр! Рухсат этинг, эслатиб қўяй: аравада мен сизни олиб келгандим.

СПОРТ ахборот

ФУТБОЛ

Олий лига вакиллари ўртасидаги мамлакат биринчилиги турдан турга кескин тус олаяпти. Бунда ҳар бир команда футболчилари ғолиб чиқиб, очколар сонини кўпайтириш учун бор маҳоратларини намойиш этмоқдалар. Куни кеча бўлиб ўтган икки учрашув ҳам юқоридаги фикримизнинг яққол далилидир. Жумладан, «Днепр» клуби Киев динамочилари билан учрашувда ўз мухлисларини хушнуд этди. Майдон эгалари илк дақиқаларданоқ ҳужумкорликка зўр бердилар. Натижада 31-минутга келиб Сон ҳисобни очди. Кейинчалик рақиблар қанчалик ҳаракат қилишмасин ҳисоб ўзгармади. 1:0 ҳисобида ғалаба қозонган «Днепр» ўйинлар жадвалидаги аҳволини яхшилаб олди.

Москвада пойтахт автозаводчилари душанбелик футболчиларни қабул қилдилар. Бу ўйин тақдирини ҳам мезбонлар томонидан киритилган ягона тўп ҳал қилди.

* * *

Гамбургда 15 яшаргача бўлган футболчилар ўртасида халқаро мусобақа давом этмоқда. Унда иштирок этаётган мамлакатимиз ўсмирлари галдаги матчда даниялик тенгқурларидан устун (1:0) келдилар. Бошқа учрашувда Испания терма командаси ГФР футболчилари билан дуранг (0:0) ўйнади.

ШАХМАТ

Илгари хабар берганимиздек, Боннда халқаро мусобақа ўтказиляпти. Бу йирик турнирда мамлакатимиз шахматчиси Александр Чернин муваффақиятли қатнашмоқда. У 7-турда чехословакиялик Штолга қарши дона суриб, дуранг натижага эришди. Ҳозир пешқадам ҳисобида 6 очко бор.

ГФРлик Киндерманни мағлубиятга учратган Борис Гельфанд иккинчи ўринни (5 очко) эгаллаб турибди.

КУРАШ

Ашхободда Туркманистон ССР давлат совғини учун ўсмирлар ўртасида Бутуниттифоқ мусобақаси бўлиб ўтди. Унда 200 дан зиёд иштирокчи ғолиблик учун кураш олиб борди.

Бўлажак олимпиадачилар кўригига айланган мазкур турнирда республикамиз вакиллари ҳам қатнашиб, совринли ўринларни эгалладилар. Э. Худойқулов ва С. Старигин ўз вазнларида ғолиб чиқиб, ҳурмат шоҳсупасининг юқори поғонасига кўтарилишди. Шунингдек, У. Абдураҳмонов, В. Ёқубов ва Р. Зайнуллин медаллар билан тақдирландилар.

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА

Жасур комсомол қиз Майна Ҳасанова хотирасига бағишлаб мусобақа ўтказиш анъанага айланган. Бу сафарги финалда 11 область ва республика пойтахти спортчилари қатнашдилар. Унда айниқса Тошкент области енгил атлетикачилари ўзларини кўрсатиб, команда ҳисобида ғалаба қозондилар. Кейинги ўринлар Самарқанд ва Андижон областлари спортчиларига тегди.

Шахсий ҳисобда ҳам ғолиблик учун муросасиз кураш борди. 1.000 метрга югуришда бекободлик Наталья Бледнова марра чизиғига биринчи бўлиб етиб келди. Ангренлик Наталья Калганова эса 1.500 метрли масофада ўзини кўрсатди. Пойтахт областининг яна бир вакили Алла Зеленская 2.000 метрга югуришда энг яхши натижа кўрсатди.

3.000 метрга югуришда иштирокчилар икки ёш гуруҳда ғолиблик учун ўзаро куч синашдилар. Кичик гуруҳда мамлакатимиз терма-командасига номзод ангренлик Лилия Бобильева, катта гуруҳда эса жиззахлик Эльмира Межмеддинова муваффақият қозонди.

ЧИМ ХОККЕЙИ

Олий лига вакиллари (эркаклар) иккинчи тур учрашувларини ўтказдилар. Маълумки, Андижоннинг «Звезда» командаси Олмаотадаги илк турда «Раздан» (Раздан) коллективига имкониятни бой (0:1) берган эди. Андижонлик хоккейчилар иккинчи турда Бокунинг «Азинефтехим» клуби билан учрашиб, 2:0 ҳисобида ғалаба қозондилар. Вакилларимизга ғалаба келтирган тўпларни Тюгелев ва Воҳидов киритишди.

Муҳаррир ўринбосари
Н. ЁҚУБОВ.

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»—
«СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»
Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана
Выходит на узбекском и русском языках.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Муҳаррир ўринбосарлари — 33-44-43, 32-56-21, 33-16-27-, 32-54-41, Масъул котиб. — 33-09-93, 32-56-26. Масъул котиб ўринбосарлари — 32-56-25, 32-54-48, 32-54-47. Партия турмуши бўлими — 33-54-33, 32-56-22. Совет қурилиши бўлими — 32-56-34. Деҳқончилик бўлими — 33-54-33. 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими — 32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими — 32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 32-56-39. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46, 32-56-39. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-52. Таржима бўлимлари — 32-56-31, 32-54-54, 32-54-55, 32-56-28. Иллюстрация бўлими — 32-58-79. Эълонлар бўлими — 33-81-42.

Р. — —04211. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Д — 1174. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12